Поэтика адабиётнинг умумий қонуниятларини ёки, лоақал, алоҳида жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини англаб етишга ҳаракат қилади. Поэтика учун асар ушбу қонуният ва хусусиятларнинг ёрқин ифодаси сифатида қизиқарлидир. Ўринли ва асосли эътирозларнинг олдини олиб Тодоров шундай ёзади: “Индивидуал матннинг ўзига хос хусусиятларига эътиборсизлик ҳамда инсоннинг бадий идрокида мавжуд бўлмаган мавҳум тушунча ва тасаввурларни аниқлаш ҳамда ўрганишга интилишни (*qui n'ont pas d'existence perceptible*) – поэтиканинг заиф томони деб ҳисоблаш мумкин, аммо шу сабаб деб уни қоралаш мумкин эмас. Адабиёт умумий назариясининг қонунийлигини инкор этиш ҳеч қачон бундай назария йўқлигига тенг бўлмаган. У бошқа бир янглиш фикрга, сунъий тушунчага олиб келган холос. Унга кўра, бу назария ҳеч қачон ойдинлаштирилмаган, унга аниқлик

¹ “Поэтика” атамаси илк бор 1968 йилда “Qu'est ce que le structuralisme?” номли альманахга кирган Ц.Тодоровнинг шу номдаги эссесидан пайдо бўлди, кейинчалик 1973 йилда алоҳида нашр этилган китобида ва “Poétique de la prose” (Paris, 1971) номли тўпламдаги қатор мақолаларида қўлланган эди.

1969 йилдан бошлаб Францияда адабиёт назарияси муаммолари ва адабий тадқиқотларга бағишланган “Poétique” журнали чика бошлайди. У ҳозирда ҳам Ғарбий Европа адабиётидаги жараёнларни ёритиб боради.



киритилмаган ва, табиийки, тадқиқотчилар ўзлари фойдаланилаётган тушунча ва атамаларнинг мавқеи хусусида саволни ўз олдларига қўймаган эдилар. Шу тариқа дудмол вазият юзага келган. Лекин, адабиёт ҳақида гап очилган заҳоти, хоҳлаймизми, йўқми, бадиий матннинг умумий концепциясига таянишимизга тўғри келади. Ушбу концепцияни ишлаб чиқаётган, аниқ шаклга солаётган соҳа – поэтикадир”.²

Поэтика билан бир қаторда Тодоров “ўқиш”ни ҳам адабиётга бўлган ўзига хос ёндашув сифатида алоҳида ажратади. Ўқиш мақсади – битта асарни таҳлил қилиш, аниқроғи унинг тузилишини аниқлаш, матн элементларининг бири-бирига мувофиқ келиш тамойиллари, уйғун ҳолда намоён бўлишини ўрганишдан иборат. Поэтика ва ўқиш бири-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ўқиш поэтикада таҳлил воситаларини топади, тушунча ва истилоҳ системасидан фойдаланади. Лекин ўқишни поэтиканинг бир тури, кўрғазмали қуроли, оддий мисоли деб ҳисоблаш нотўғри: уларнинг мақсадлари ҳам ҳар хил. Шунга қарамадан, поэтика яратган концепция, концептуал ёндашув, таъбир жоиз бўлса, “ўзидаги нарса”, ёпиқ доира ҳосил қилувчи мавқеидан узоклашиб, тадқиқотнинг муҳим воситаси, ажралмас қисми, айти пайтда индивидуал услуб, система, бадиий матнни тасвирлаш ва тавсифлашнинг қуролига айланади”.³

“Поэтика” ва “ўқиш”ни бири-бирига чамбарчас боғлиқ, бироқ бадиий матнга нисбатан принципиал фарқ қилувчи ёндашув сифатида ажратиш француз адабиётшуносларининг қарашларига хосдир. Буни биз Р.Бартнинг “Танқид ва ҳақиқат” номли дастурий эссесига ва қатор мақолаларида кўришимиз мумкин.

Ц.Тодоров, бадиий матнга бўлган ёндашувлар орасида поэтиканинг эгаллаган ўрни хусусида фикр юритаркан,

адабиётшунос ва мунаққидларнинг диққат-эътиборига сазовор бўлган “Поэтика” рисоласида илгари сурган иккига ажратишни кенгайтиради ва икки турни алоҳида белгилайди: “Биринчиси бадиий матнни ўрганиш билан қаноатланади; иккинчисига кўра, ҳар бир алоҳида олинган асар қандайдир мавҳум структуранинг юзага чиқиши, намоён бўлишидек кўриб чиқилади”.⁴

Биринчи ёндашувда – Тодоров уни “интерпретация” деб атайди – асар ягона объект сифатида кўриб чиқилади, уни тавсиф ва тасвирлаш эса – тадқиқотнинг якуний мақсади ҳисобланади. Бу турга Тодоров, шунингдек талқин, шарҳ, тушунтириш, ўқиш, таҳлил ва ниҳоят, танқидни қўшади. Айти пайтда Тодоровга улар ўртасидаги тафовут эмас, балки уларни бирлаштирувчи жиҳат, яъни ўрганиб чиқиладиган асарнинг маъно-мазмунини очиб бериш, унга ойдинлик киритиш, уни очик ва аниқ ифодалаш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи ёндашувни Тодоров “илм” деб атайди. Ушбу истилоҳни қўллаш тадқиқотнинг аниқлик даражаси билан эмас, унинг умумназарий аҳамияти билан изоҳланади: “Алоҳида олинган асарни тавсиф ва тасвирлаш эмас, унинг маъно-мазмунини аниқлаш ҳам эмас, балки умумий қонуниятларини ўрнатиш муҳимдир, чунки айнан уларга асосланиб асар қурилади”.⁵

“Структур поэтиканинг объекти бадиий асар эмас, аксинча, уни бадиий матн (*discours littéraire*) негизини ташкил қилувчи сўз ва ибора, кенг маънода, маъно ва мазмун, асосий ғоя ва фикр қизиқтиради. Шу тариқа, ҳар қандай асар мавҳум структуранинг амалга ошиши, устига устак, амалга ошишнинг биргина жузъий шаклидек кўриб чиқилади...<...> Уни (структурал поэтикани – М.Х.) мавҳум хусусият, яъни адабиётни санъатнинг бошқа турларидан фарқлаб

² Қаранг: Тодоров Ц. Поэтика. С франц. А.К. Жолковского // Структурализм: “за” и “против”. М., 1975. с. 40.

³ Todorov Tz. Poétique de la prose. Paris, 1971. p. 243.

⁴ Тодоров Ц. Поэтика. Перевод с франц. А.К. Жолковского // Структурализм: “за” и “против”. М., 1975, с. 37.

⁵ Ўша манба, 40 бет.



турувчи муҳим хусусияти – *бадийлик* қизиқтиради. Бадийликни атрофлича ўрганувчи тадқиқотлар вазифасига бундан буён бадий асарни мухтасар ҳикоя қилиб бериш ёхуд асосланган қисқа хулоса бериш эмас, балки бадий матннинг функцияси ва структурал назариясини ишлаб чиқиш киради. Бир қатор бадий имкониятлар назарда тутилган мазкур назарияда реал бадий матнларни ўрганиш, амалга оширилган тасвирий-ифодавий воситаларни кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга... Шундай қилиб, алоҳида олинган матн юксак бадий савиядаги намунага айланади, унинг материалда эса адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилади”.⁶

Демак, таснифга киритилган жузъий аниқликларга қарамасдан, Тодоровнинг бадий асарга турли ёндашувлар орасида поэтиканинг алоҳида ўрни хусусидаги асосий фикри ўзгармай қолади. Боз устига адабиёт (санъат тури)ни алоҳида адабий ҳодиса (асар)дан ажратиш, ўзаро фарқлаш ҳам ўзгармай қолади.

Бундай ажратишнинг маълум даражада асосизлиги шубҳасиз. Тодоров ҳамда бошқа “нуфузли олимлар” ишларини шарҳловчилар айнан мавҳум ажратиб олинган адабиётни ўрганишни уларнинг асосий хизмати ҳисоблаганларида ўзлари қиролдан кўра кучлироқ қиролпарвар бўлиб чиқишади. Ҳолбуки, Тодоровнинг ўзи талқин ва поэтика орасидаги фарқланишлар фақатгина назарияда мавжуд бўлиши мумкинлигини эътироф этади: “Ҳақиқий асарлар устида олиб борилган кузатишлардан озикланмаган поэтика тўғрисидаги назарий фикр-мулоҳазалар, аксарият ҳолларда беҳуда ҳамда бефойда бўладилар”. Тодоров “кўпинча танқидий таҳлилни икки қутб – поэтика билан талқин орасида бениҳоя иккиланишларга айлантириб юборадиган”⁷ поэтика билан талқиннинг узвий алоқаси, бир-бирига ўтишини таъкидлаб ўтади. Кейинги фикр

ғоят аҳамиятли, зеро Тодоров ва унинг маслакдошлари методикасининг таҳлилида унинг соф назарий тузилмалари билан аниқ талқинлари орасида ўтиб бўлмас девор (тўсиқ) барпо этилмаслигини, балки ҳар бирининг мақсад-вазифасини унутмаган ҳолда ишларнинг бир туридан бошқасига эркин ўта олиш имкониятини яратади. Демак, мақсад етарлича аниқ қўйилган ҳамда тўла маънода ишончли асосланган. Таъкидламоқ лозимки, айнан мана шу, бизнинг фикримизча, структурализмга эътиборни жалб этган ва адабиёт тўғрисидаги фанни яратишдаги уринишларга аҳамият билан муносабатда бўлишга мажбур қилган.

Адабиёт билан шуғулланувчи барчанинг диққатини ўзига тортган ушбу масаланинг ечими қандай? Адабиётнинг ўзига хослигини англаб етиш ҳамда адабиётни ноадабиётдан нима фарқлашини кўрсатиш истаги структуралистлар назарий-адабий тадқиқотнинг туб муаммоларидан бири, ҳал қилишга уриниб кўрадилар деб умидланишга замин яратганди: асарнинг ўқувчига таъсирининг сири нимада, адабиётнинг бадийлиги нима ўзи ва уни аниқлаш (тавсифлаш) мезонлари қандай.

Ўзининг сеvimли адибларидан бири, Генри Жеймсга бағишланган “Ҳикоя қилиш синоати” (1969) мақоласида Тодоров қуйидагиларни эслатиб ўтади: – “Тиламдаги нақш” ҳикоясидаги ёш мунаққид таниқли ёзувчи маҳоратининг сирларини фаҳмлашга уриниб, мана бу каби саволларга жавоб излайди: “Эҳтимол, услубида бир нима бордир? Фикрларида? Балки, бу шакл сири ёки мазмун синоатими?”

Адабиёт тадқиқотчиларининг бир неча авлодлари мазкур саволларга жавоб топишга уринишган. Тодоров ҳам ўз ечимини таклиф қилади.

Адабиёт ҳақидаги назария тарзида поэтикани муайян асарлар талқини ва бошқа илм(фан)лардан алоҳида ажратиб, Тодоров унинг адабиёт тарихи ҳамда эстетика (нафосатшунослик) билан

⁶ Ўша манба, 41–42 бет.

⁷ Тодоров 1975, 43бет



муносабатларини аниқлаштиришга интилади. Бу жиҳатда у М.Маргеску билан ҳам (у савол қўйилишининг ўзини нотўғри ҳисоблайди, негаки унинг учун бадиий қиммат санъатнинг зарурий шарти эмас.⁸ Р.Барт билан ҳам (у гоҳ адабиётни ўрганувчининг “баҳоламаслик” нуқтаи назарини асослаб, гоҳ унинг баҳосини ягона мезони (ўлчови) сифатида индивидуал қониқиш (завқланиш)ни олға суриб, ушбу саволдан қочишга ҳаракат қилади) ихтилоф ҳолатида. Тодоров адабиётшуносликка оид таҳлил асарни эстетик баҳолашга интилиши зарурлигига ишончи комил. Интилиши ва интилиши зарур, аммо, у таъкидлаганидек, асарни эстетик аҳамиятли қиладиган нарсани (хусусиятни) аниқлаш учун муайян андозаларни яратишга барча уринишлар кейинги авлод томонидан, албатта, рад этиб келинган. “Поэтика” номли рисоласида Тодоров ушбу “андозалардан” асосан асарда ҳикоячи нуқтаи назари билан ҳикоя субъекти ўзаро муносабатларига қарашлар билан боғлиқ бир нечаларини таҳлил ҳам қилади. Натижада анчайин тушкун ҳулосаларга келади: “Ҳозирги кунгача эстетик қиммат (қиймат) мезонлари сифатида тақлиф этилганларнинг барчаси, аслида у ёки бу асарларнинг ёхуд асарлар гуруҳларининг яхши тавсифлари бўлиб чиқди ҳолос; аммо, равшанки, қанчалик муваффақиятли бўлмасин, тавсифни гўзаллик қонуниятларининг инкишофи деб бўлмайди. Қўлланиши, ҳеч шубҳасиз гўзаллик ҳиссини келтириб чиқарадиган адабий усул мавжуд эмас”.⁹

Мана шу охириги жумлада икки жиҳат эътиборимизни ўзига жалб этади. Биринчидан, асарнинг эстетик қиммати – хусусиятлар ва томонлар бутун бир мажмуасининг ўзаро таъсири натижаси сифатида юзага келувчи ҳамда асар шаклининг қандайдир битта

туғалланмайдиган мураккаб ҳодиса эканлигининг эътирофи.

Иккинчиси. Маълумки, Р.Якобсон ва рус формал мактабига мансуб олимлар томонидан яратилган асар концепцияларида бадиий усул, айниқса, дастлабки вақтларда муҳим роль ўйнаган усулни ўрганиш эса улар учун кўп ҳолларда деярли поэтиканинг асосий вазифаси бўлган. Дарвоқе айтиш жоизки, француз структурализмининг ўзидан олдингилар билан алоқалари айнан шу ерда (ўринда) энг кучли намоён бўлади.

Ўзи ҳам бадиий усул тадқиқида кўп ишларни амалга оширган Тодоров, шундай бўлса-да, бунинг адабиётнинг ўзига хосликларининг тадқиқи учун етарли эмаслиги ҳақида очиқ айтади. Бинобарин, унинг ўзи ушбу ўзига хосликни “адабийлик”дан иборат деб ҳисобламайди, йўқса унга усулнинг ўзи ҳам “етарди”. Бироқ, ўша М.Маргескудан фарқли ўлароқ, Ц.Тодоров эстетика билан поэтика оралиғида ўтиб бўлмайдиган жарлик ётибди деб ҳисоблайди, боз устига, асарнинг бадиий қиммати муаммоларини ечишга поэтика қодир эмаслигига ҳам қўшилмайди. Ц.Тодоров таъкидлайдики, “поэтика бўйича илк тадқиқотлардаёқ санъат асарининг эстетик қиммати муаммоси қўйилганди, бироқ олинган жавобларни, унинг фикрича, ҳозирча қониқарли ҳисоблаб бўлмайди”.¹⁰ Ц.Тодоров асарнинг структурал тавсифини рад этмайди, уни гўзаллик моҳиятини аниқлаш учун фойдасиз деб ўйламайди, лекин у “аввало, кейинги изланишлар йўналишининг кўрсаткичи сифатидагина қадрли бўлган, ҳақиқатга дастлабки кўпол яқинлашув” дан иборат деб ҳисоблайди. “Эстетик қиммат муаммоси, афтидан, анча мураккаб ...”.¹¹

Асарнинг бадиий аҳамияти (қиймати)ни англаш учун унинг структурасини ўрганиш муҳимлигини таъкидларкан, шу билан бир вақтда Тодоров ушбу йўлни яқкаю ягона деб

⁸ Marghescou M. Le Concept de littérature. Essai sur les possibilités théoriques d'une science de la littérature. – Thettague. Paris, 1974.

⁹ Тодоров 1975, 106.

¹⁰ Ўша асар. Р. 106

¹¹ Ўша жойда.



қарашга мойил эмас. Унинг фикрича, мураккаб эстетик ҳодиса сифатида асарни баҳолаш учун унинг ички хусусиятларини ўрганиш кифоя қилмайди.

Асарни ўқувчи идроки контекстида ўрганиш зарур, боз устига, шу ўқувчи идрокининг ўзини тарихий ривожланиб борувчи категория сифатида қараш лозим, бу ўз навбатида, мазкур баҳолар нисбийлиги ҳамда нотурғунлигини изоҳлайди.

Тодоров учун бу – поэтика билан асарнинг бадиий аҳамиятининг тадқиқи орасида кўприкча ўрнатиш имконини берувчи изланишларнинг эҳтимолий йўналишларидан бири. Эҳтимолий (имконият)лардан бири, аммо Тодоровнинг ўзи тан олганидек, ягона эмас. Асар структураси тўғрисидаги илмий билим унинг учун зарурий бўлиб, у фақатгина тадқиқотнинг бошқа йўналишлари билан бирикканидагина бизга бадиий асарнинг ўзига хосликлари нималардан иборатлигини, эстетик таъсирининг сири нимадалигини қачондир аниқлаб бериши мумкиндир.

Ўзининг аниқ таҳлилларида Тодоровнинг ўзи поэтика қодир бўлган биринчи вазифани амалга оширади – асар структурасини ўрганади. Ушбу масала “Хавфли алоқалар”¹² таҳлилида ўз ечимини топади, шунингдек, тадқиқотчининг “Декамерон” ҳақидаги ишида ҳам диққат марказида туради.¹³ Ушбу ишнинг режалаштирилиши ва бажарилиши Тодоровнинг А.Греймас қарашларига яқинлигидан гувоҳлик беради ва бу унинг томонидан яратилган новеллистик интрига грамматикасида ўз аксини топади. Ц.Тодоров ҳикоя элементларини сўз туркумларига ёки содда риторик фигураларга тенглаштиришга ҳамда уларни лисоний ҳодисалар сифатида таҳлил қилишга мойил.

Умуман олим адабиёт грамматикасини яратишгагина эмас,

инсоннинг бутун ментал фаолиятини бошқарувчи асосий руҳий жараёнлар яхлитлигининг ифодаси ёки акси бўлган универсал грамматика қонуниятларини кашф этишга интилади. Шу тарзда Ц.Тодоров, инсоний грамматикадан санъатий грамматика ва кейинида – борлиқнинг “универсал грамматикаси” томонга ҳаракатланади”. У коинотнинг барча инсонлар учун ягона бўлгани учунгина универсал эмас, балки – муҳими – коинотнинг структурасига мувофиқлиги сабаблидир”,¹⁴ деган тўхтамга келади.

Дарвоқе, “Декамерон” тўғрисидаги ўз тадқиқотида Ц.Тодоров, “шу китоб структураси биланмас, умуман ҳикоя структураси билан” шуғулланаркан, айнан шунақа “универсал грамматика”ни яратишга уринади.

Соф кўринишда новелла интригасига тааллуқли бўлмаган ҳамма нарсани онгли равишда чиқариб ташларкан ва мустасно этаркан олим ўзига олдиндан тадқиқот майдонини “тайёрлайди”. Ҳар қандай интрига мувозанатнинг бир ҳолатидан бошқасига ўтишдан иборат деб ҳисоблаб, Тодоров, интриганинг ўзини қиска якун (резюме)га олиб келади. “Идеал ҳикоя қандайдир ташқи куч билан портлайдиган барқарор вазиятдан бошланади. Натижада барқарорликнинг бузилиши ҳолати юзага келади; қарама-қарши йўналишга қаратилган куч таъсири оқибатида мувозанат тикланади; бу иккинчи мувозанат худди биринчисидек, лекин улар ҳеч қачон айнан бўлишмайди”.¹⁵ Тодоров фикрига кўра новелла интригасининг схемаси ана шундай.

Новелланинг ҳаддан ортиқ қисқартирилган якуни билан ишларкан, олим эгани – иштирок этувчи шахс, кесимни – иш ҳаракатни – у вазиятни ўзгартириши керак ҳамда эгани тавсифловчи – аниқловчини алоҳида ажратади. Тадқиқотчининг эътибори кесимни ўрганишга тўласинча қаратилган,

¹² Todorov Tz. Les liaisons dangereuses. Paris, 1965.

¹³ Todorov Tz. Grammairedu Decameron. – The Hague, Paris, 1969.

¹⁴ Қаранг: Ўша манба, р.-15.

¹⁵ Todorov Tz. Poetique de la prose. Paris, 1971. p. 121.



зеро интриганинг ривожланиши у билан боғлиқдир. Тодоров деярли исталган интригага нисбатан қўллаш мумкин бўлган эҳтимолий хатти-ҳаракатларнинг энг нозик жиҳатларигача деталлаштирилган схемани таклиф этади. Бироқ мана шу барча эҳтимолий хатти-ҳаракатларнинг ягона қисқа формулага: статика – динамика – янги статикага келтирилиши унинг эътибор майдонидан бадиий сюжет ҳаракатланишининг ўзига хослиги чиқиб қолишига олиб келади, чунки бу схема исталган воқеага, исталган маиший вазиятга татбиқ этилса-да, аммо санъат қонунларида ҳеч қандай янгилик кашф этмайди. Боз устига, топилган формула моддият (материя) мавжудлигининг барча шакллариغا проекцияланади. Тодоров таклиф қилган ренессанс новелласини тадқиқ этиш методикасининг энг заиф томони ҳам ана шунда. Муаллиф воқеа қолипни ўрганишни четда қолдиргани, ҳикояси билан ҳикоя қилиниши орасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаштирмагани, ушбу китоб яхлитлиги ва бирлигини эътиборга олмаганида эмас – буларнинг ҳаммасидан воз кечиш унинг томонидан қайд қилинган ҳамда изоҳланган. Бироқ адабиётнинг ўзига хослигини англашга ва ҳикоя қилиш қонунларини қидириб топишга интилаётган тадқиқотчи улардан чалғиб, ходисаларнинг исталган қаторида қўлланувчи қонунлар билан уларни алмаштирганида, - у танлаган тадқиқот методининг самарадорлигига шубҳа туғилади.

Бироқ бундай натижа – таҳлил чоғида йўл кўйилган қандайдир нотўғри адашмовчиликлар натижаси ўлароқ юзага келадиган ачинарли тасодиф, хато эмас. Ўзининг халқ эртаклари композицияси тадқиқи билан новелланинг тодоровчасига таҳлилига жуда яқин бўлган тадқиқотчи Кл.Бремоннинг ибрати шундан далолат беради.¹⁶ Кл.Бремоннинг асосий вазифаси – жанр ўзига хосликларидан юқори туриб, эртақ структурасининг умумий қонуниятларини аниқлаш бўлиб, бу

Тодоровнинг бош кўрсатмасига ғоят яқин ва у илгари сурган поэтика тамойилларига тўла жавоб беради. Хатти – ҳаракатларнинг муфассал тоифаланиши ҳамда таснифланиши хусусияти (уларнинг номланишининг ўзгача хусусиятида, бу эса ушбу ҳолатда муҳим роль ўйнамайди) Ц.Тодоров схемасини эслатади. Ушбу тузилмалар, худди Тодоровдаги сингари нафақат ҳикоя қилиши қонунларини, балки исталган инсоний ҳаракатларни ифодаловчи мавҳумий умумқамровли формулага келтирилади (“имконият → имкониятнинг амалга ошиши → натижа”). Буни Бремоннинг ўзи ҳам тан олиб таъкидлайди: “Келиб чиқиши (илдизлари) билан антропологияга бориб тақаларкан, адабий таҳлил техникаси, ҳикоя семиологияси ундан кўплаб самарали имкониятларни олади”¹⁷.

Сюжетга оид схемаларни инсоний ҳаракатларнинг эҳтимолий турлари билан бундай боғланишини адабиётни воқелик билан ўзаро боғлаш истаги сифатида фақатгина маъқуллаш мумкин, бу истак доим санъат тилининг автономлигини уқдиришадиган структуралистик тақид тарафдорлари учун қандайдир даражада (қай маънода) кутилмагандир. Амалда бу ўзаро боғланиш ўзининг салбий томони билан намоён бўлади, чунки Тодоровда ҳам, Бремонда ҳам таҳлил шунга олиб келадик, санъат билан санъат бўлмаган орасидаги чегаралар мутлақо йўқолади ҳамда адабиёт тўғрисидаги илмнинг ўзига хос объекти ҳақида ҳеч қандай гап бўлмайди. Бундан ташқари, адабиёт ходисасининг ўзи ҳам, афтидан, шубҳа остига олинади. Таклиф қилинган методни универсаллаштиришга бундай интилиш К. Бремоннинг “Ҳикоя мантиғи” китобида янада яққол таъкидланиб, унда олим инсоний хатти – ҳаракатларни бошқарувчи умумий қонунларни белгилашга уринади ва ўзининг сўзларига кўра ҳам қизиқиши ҳамда эътибори билан адабиётга боғланган

¹⁷ Бремон 1972, 135.

¹⁶ Brémond Cl. Logique du récit. Paris, 1973



Тодоровдан ўзининг фарқини ифодалайди. Таъкидлаш лозимки, Ц.Тодоровнинг ўзида ҳам адабиётни инсоний фаолиятнинг бошқа шакллари ва турлари билан узвийлаштиришга мойиллик унинг ўз фикрларига зид келиб, анчайин аниқ ифодаланади.

Масалан, аввал айтиб ўтилганидек, адабиётнинг хос хусусиятлари тўғрисидаги илм сифатида поэтика мавқеи асосланган ўзининг “Поэтика” номли дастурий эссесидаги хулоса қисмида, Тодоров, бир карашда, олдин таъкидлаганларининг ҳаммасини бекор қилувчи мутлақо қутилмаган хулосаларга келади. “Поэтикани ўрганиш объекти адабиёт бўлган мустақил фан сифатида қайд этарканмиз, шу объектнинг автономлигини ҳам фарз қиламиз; агар у тўлақонли бўлмаганида, поэтиканинг мустақиллиги хусусида ҳам фикр юритиб бўлмасди. Поэтиканинг мустақиллиги адабиётнинг автономлигига боғлиқдир.¹⁸

Дарҳақиқат, структуралистик танқиднинг умумий дастлабки нуқтаи назари шунақадек туюлади. Умуман олганда эса, “автоном” сўзини “мустақиллик” ҳамда атрофдагилардан ажралганлик (алоҳидалик) сўзларининг синоними деб ҳисобламасак, бу нафақат структуралистларнинг нуқтаи назаридир. Тодоровнинг таъкидлашича, поэтика илмий мавқеининг мустақиллигини асослаш учун, дарвоқе олим ўзининг кўпгина ишларини шунга бағишлаганди – “адабиётнинг ўзига хослиги янада мураккаб “молекуляр”, содда бирликлар узвийлашуви сатҳида эмас, балки энг содда “атомий” сатҳда бошланишини исботлаш”¹⁹ албатта, зарур.

Адабий матнни ташкил этувчи гапларнинг бошқа фикр-жумлалар билан ўхшашлиги сабабли “атомий” сатҳда адабиётнинг ўзига хослигини аниқлаш Ц.Тодоров учун имконсизлиги маълум бўлади. Бироқ олим ундан ҳам нарига ўтиб

“равон матн тузилиши сатҳида” лирик поэманинг баъзан фалсафий, баъзида диний матнлар билан ўхшашлигини кўради, ҳикоячилик насрини эса гоҳ тарих бўйича асарлар, гоҳида эса газета мақолалари билан умумлаштиради. “Ижтимоий антропология нуқтаи назаридан, адабиётнинг роли, эҳтимол, - дейди Тодоров. – кино ёки театр, умуман ҳар қандай рамзий фаолият ролига ўхшашдир”.²⁰

Ушбу кузатишларнинг барчаси, шу маънода тўғрики, воқеликни идрок этиш, тушуниш ва акс эттиришнинг бошқа усуллари олдида бўлганидек, адабиётнинг олдида ҳам бир хил объектлар туради. Албатта, Ц.Тодоровдек тадқиқотчига собиқ хуштори ўлдирган аёл ҳақида суд хабарлари рукнидаги газета мақоласи билан “Қизил ва қора” романи орасида, улардаги ўхшашликларга қараганда, анча жиддий, муҳим фарқлар мавжудлигини эслатиш ножоиз бўларди.

Адабиётни адабиёт қиладиган билан боғлиқ энг муҳим ва энг мураккаб муаммодан бошлаб, Тодоров секин-аста уни нутқ тузилишининг ва кенгрок маънода умуман инсоннинг рамзий фаолиятининг универсал қонуниятларини қидиришга алиштиради. Моҳиятан, Тодоров, айти ўринда, маъно-мазмун артикуляциясининг унинг намоён бўлиш шаклларида боғламаган ҳолда умумий қонуниятларини аниқлашга интиладиган Греймасдан ҳеч қандай фарқ қилмайди.

Ўз фикрларига (таъкидларига) яққол қарши чиқиб, Тодоров “адабиёт тўғрисидаги фан иборасини чалғитувчи ҳисоблайди ҳамда ўзи ҳозиржавоблик билан рад этган аввалги муҳолифлари нуқтаи назарига гўё ўтгандек, шундай ёзади:

“Адабиёт тўғрисида ягона фан мавжуд эмас, чунки адабиёт, унга турли нуқтаи назарлардан қаралса, у ёки бу гуманитар фан объектининг бир қисми бўлиб чиқади... Аммо, бошқа томондан, айнан адабиёт ҳақидаги фан ҳам йўқ,

¹⁸ Қаранг: Todorov Tz. La notion de littérature.- In: Langue, discours, société. Pour Emile Benveniste. Paris, 1975. p.108

¹⁹ Ўша манба, p109

²⁰ Ўша манба, p.109



негаки унинг муҳим хусусиятлари ўзгача тузилишларда бўлса-да, ундан ташқарида ҳам учрайди. Биринчи салбий хулоса илмий билиш қонунлари билан; иккинчиси – ўрганилаётган объектнинг ўзига хосликлари билан боғлиқдир”²¹.

Бу ўринда адабий илмни бошқа гуманитар илмлар ажратишга (Тодоров томонидан бир неча бор айtilган ва “Поэтика” рисоласида асосланган фикр) интилиш гўё унутилгандек. Тўғри, адабиётга, шаксиз, турли нуқтаи назарлардан ёндашиш ва уни бошқа гуманитар илмлар объекти қилиш мумкин. Кейинги илғор хорижий илм-фанда адабиётни ҳар хил гуманитар илмларнинг ютуқларини ўзида жамлаб, предмет ҳақида энг тўлиқ, ҳар томонлама билим бера олувчи мажмуавий ўрганиш самарадорлиги тўғрисида овозлар баралла янграмоқда. Бироқ адабиётнинг ўзига хослигини йўққа чиқариш ёки эътиборга нолайиқ деб тан олиш деганими бу? Фикримизча, адабиётнинг мажмуавий ўрганилиши ҳалигача адабиёт назарияси олдида бутун долзарблиги билан турган энг муҳим ҳамда мушкул муаммолардан бири бўлиб қолаётган мана шу масалани ҳал қилишга ёрдам бериши даркор.

Кейинроқ Ц.Тодоров айрим ўзига хос адабий хусусиятлар адабиётдан ташқи ходисаларга ҳам (сўз ўйини, саноклар) хослигига асосланиб, узвий ва яхлит ходиса сифатида адабиётнинг мавжудлигини ҳам шубҳа остига олди ва шу сабабли “бутун адабий маҳсулот учун умумий маҳраж” топиш мумкин эмас деб ҳисоблади.²² Унингча, айрим адабий ходисалар орасидаги яқинлик, адабиёт билан нутқнинг бошқа турлари орасидагига қараганда анча шубҳалироқ (у лирик шеър билан “Уруш ва тинчлик” сингари роман орасидагига кўра, лирик шеър билан ибодат орасида кўпроқ умумийликни кўради).

“Поэтика” асарида Тодоров адабий матн ва матний табиатга эга ходисаларнинг бутун тоифасини” кўшиб ўрганиш зарурлиги тўғрисида очиқ айтиб ўтади; нафақат адабий, балки умуман ҳар қандай матнлар, нафақат сўзга оид, балки ҳар қандай символизм... хусусан ўрганилиши лозим”²³.

Ушбу ҳолатда поэтиканинг роли қандай? Энди у Тодоровга ўтиш босқичи бўлиб кўрилади: у матн тўғрисидаги илм асосларини кашф этиши ва яратиши, сўнг ҳозирча мавжуд бўлмаган қандайдир илмга сингиб кетиши лозим, ўша илмнинг мақсади – ўзининг мавҳумлаштирувчи таҳлилларида адабиёт чегараларидан чиқадиган умумлашмаларгача кўтарилишга интилаётган инсон символик фаолиятининг умумий қонуниятларини тадқиқ этиш. Шу позицияда, ўтган асрнинг 60-йиллари француз адабий ҳаёти учун хос бўлган, янада умумий бўлган адабиёт ҳаракатини аслан бадиий ва таҳлилий ибтидолар кўшилиши содир бўладиган ҳамда гўёки, бадиий адабиётнинг йўқолиб кетишига олиб келадиган жараён сифатида қарашга мойиллик намоён бўлади. Унда (ушбу нуқтаи назарда) танқидий тафаккурнинг ҳеч бир йўналиши ҳалигача оча олмаган адабиёт синоатини англаб етишга структуралистик даъволарнинг қодир эмаслигининг эътирофи ҳам кўзга ташланади.

Структурализм нафақат кўйилган масалани ҳал қилмади – имконсизликни талаб қилмоқ нечун? – амалда у уни ҳал этишдан бош тортди. Тадқиқот объектининг ўзига хосликлари ҳақидаги назарий гаплар амалда структуралистларда энг кўп фойдаланиладиган усуллар жамланмасининг намоишига, энг кўп қўлланувчи моделларни аниқлашга айланиб кетди, яъни асар бадиий қийматини англашни йўққа чиқарувчи ҳамда асарни хунармандчилик маҳсулоти даражасига тушириб кўйувчи хом фикрлар бўлиб чиқди. Бундан ташқари,

²¹ Ўша манба, р.110

²² Ўша манба, р.363

²³ Ўша манба. р.110



структуралистлар томонидан адабиётнинг ўзига хослигини ўрганишнинг асосий натижаси шу ўзига хосликни тўла рад этишдек кўринади.

Фикримизча, адабиётшуносликка оид структурализмнинг энг заиф жойларидан бири мана шунда – ўрганилаётган ҳодисага синхрон ва диахрон ёндашувни алоҳида ажратишдан кўра, анча жиддий нуқсон. Агар таҳлилнинг фақатгина синхроник кесишмани ўрганишдан иборат бўлишини

шарҳлаш (кўриш) сарҳадини вақтинчалик ҳамда онгли чеклаш сифатида, ортидан кейингиси келадиган биринчи босқич сифатида қабул қилиш мумкин бўлса (бу хусусда структуралистларнинг ўзлари ҳам ёзадилар), унда адабиётнинг ўзига хослигини ўрганишдан воз кечиш, адабиётда алоҳида эстетик қатор ҳодисасини кўришни истамаслик уни ўрганишга структур методни қўллашнинг маъноси ва мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига қўяди.

Холбеков М. Теория структурного литературоведения Цветана Тодорова. В статье рассматривается метод структурного анализа, введенный в практику литературоведения прошлого века выдающимся филологом Цветаном Тодоровым, а также его вклад в развитие литературнолитературоведения.

Xolbekov M. Theory of structural literary criticism by Tzvetan Todorov. This article considers the method of structural analysis in western literature of last century and theory of structural literature of well-known scientist Tzvetan Todorov, his contribution to the development of literary structuralism.



КОММУНИКАТИВНОСТЬ КАК ОСНОВА ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ

Бушуй Анатолий Михайлович,

профессор Самаркандского государственного института иностранных языков

Опорные слова: инновационная образовательная система, иностранные языки, коммуникативно-языковая деятельность, содержание и сферы коммуникативной компетенции, высказывание.

Мировое общество вступило в начале XXI века в эпоху глобализации процессов, которые характеризуются новыми закономерностями в развитии языка и лингвокультуры [И. Тухтасинов, 2016. Б.4]. При этом воистину планетарные масштабы приобрело использование английского языка в сфере повседневно-профессиональной коммуникации, что обусловлено быстро усложняющимися и постоянно трансформирующимися условиями жизнедеятельности человеческого общества в глобальном мире. Тем самым «мир вступил в эпоху коммуникативного сдвига (communicative shift), суть которого состоит в объективной необходимости национально-англоязычного билингвизма» [В.В. Кабакчи, 2000. С.84]. Для многих в Европе и Азии английский стал вторым [после национального] языком, который используется в различных функциях – прежде всего в бытовом или же профессиональном [деловом вообще] общении [D. Crystal, 2003. С.3].

Исходя из вышесказанного, очевидна всё возрастающая актуальность рассмотрения языковых процессов, которые происходят в так называемых «нормообразующих странах» [norm-providing countries], т.е. в Великобритании, США, Канады и некоторых других. Здесь английский язык служит средством коммуникации во всех функциональных сферах. Причем его кодифицированное употребление охватывает все уровни системы языка и, как справедливо считает Б. Качру [В.В. Качру, 1986. С.10], воспринимается нормированным всем основным языковым сообществом.

Современное национальное образовательное пространство ориентируется на такое совершенствование учебного вузовского процесса, которое бы гарантировало подготовку специалистов новой формации. Они должны быть готовыми к созданию и последующему использованию в своей профессиональной деятельности новых информационно-коммуникативных технологий [ИКТ] в связи с требованиями мирового рынка образования.

Решение подобной задачи обуславливается активным развитием инновационной образовательной системы. Она призвана обеспечить

1) достаточное усвоение необходимого объема имеющейся у цивилизации информации [а она увеличивается в два раза за пять лет];

2) навыки овладения техникой получения, переработки и использования новой информации.

Тем самым инновационное образование постепенно отходит от постоянно устаревающих принципов передачи знаний и всё более ориентируется на методы овладения такими базовыми компетенциями, которые позволяют затем самостоятельно приобретать – по мере необходимости – соответствующие знания. Отсюда возникла и стала утверждаться в современном глобальном информационном обществе идея «обучения в течении всей жизни», появляются компетентностные подходы к обучению и разрабатываются всевозможные стратегии, которые призваны оптимально адаптировать



устаревающую парадигму сложившегося образования для всё возрастающих общественных нужд. От участников же всего образовательного процесса необходимо овладение законами формирования, использования и дальнейшего совершенствования базисной медиакомпетенции – технологической [умение пользоваться средствами доступа к медиальной системе] и потребительской [через устойчивые навыки критического разбора полученной информации и её последующего креативного преобразования], соотносимой с коммуникативно-языковой действительностью [на основе родного или иностранного языков].

Формируемые подобным образом инновационные технологии электронного образования должны получать в учебном процессе соответствующую конкретизацию по различным целевым аспектам – личностно-ориентированным, профессионально-деятельностным и компетентностным. При этом обучающий основные усилия направляет на общую разработку инновационных основ курса электронного обучения согласно требованиям образовательных программ по специальности [структуризация курса, его теоретическая обусловленность, концепция, методическая стратегия в изложении, рекомендуемая схема последующего сбора материала, рекомендации по его интерпретации].

Задачи же обучающихся сводятся не только к полному усвоению полученной информации в предложенном объёме, но и выработать устойчивые навыки дальнейших самостоятельных поисков, направленных на его расширение и закрепление, критическое осмысление и прикладное использование в последующей профессиональной деятельности [4]. Тем самым обогащается интеллектуальный потенциал как особый ресурс общества.

В современном мире в центре внимания всех национальных образовательных систем постоянно

находятся иностранные языки [ИЯ]. Их всё возрастающий статус заметно предопределяется активизацией жизнедеятельности общества в самых различных областях, формируя тем самым языковое своеобразие постиндустриальной эпохи. В связи с этим Ф. Деннингхауз [1989. С.54] говорит: «Организованное обучение иностранным языкам является естественной составной частью всей общественной жизни и, будучи социальным явлением, связано с другими общественными явлениями или опосредованно ими. Преподавание иностранных языков является феноменом исторического развития, протекает в известных условиях и подчиняется определённым закономерностям».

Сейчас мировое образовательное пространство вышло в преподавании ИЯ на новые организационные формы обучения, осознавая настоятельную необходимость разработки эффективных методов ускоренных курсов с неременной ориентацией на речевую коммуникативность. А это стимулировало развитие новых педтехнологий в направлении разработки специальных учебно-методических комплексов. Причём всё более последовательно новейшая методика преподавания ИЯ исходит непосредственно из требований профессионально-общественной практики. А. Кушнир [1999. С.276] по этому поводу верно замечает: «Изучение языка ради знания языка – дело затратное и не перспективное. Язык можно и нужно изучать в реальном информационно-продуктивном процессе, знание языка должно быть побочным результатом предметной деятельности».

Подобная пединновационная установка обуславливается самим развитием общества начала XXI века, предъявляющим особо повышенные требования к гражданским позициям, культурному уровню и профессиональной подготовке каждого его члена. Роль же ИЯ в решении всего множества



образовательных и воспитательных задач трудно переоценить. К тому же занятие языком способствует развитию мышления, потому что невозможно верно выразить мысль без надлежащего осмысления самих фактов реальной действительности как речевого объекта.

Изучение ИЯ развивает и логическое мышление. Это верно уже хотя бы потому, что язык и его законы соотносимы определённым образом с математикой и её законами. Потому-то язык и отражает логичность и системность всего процесса усвоения человечеством материального мира. Отсюда следует, что если обучающийся научился воспринимать систему в достаточном множестве разрозненных языковых образований, то это способствует достижению им общелингвистической грамотности, развивая также у него интерес к самому языку как явлению универсальной значимости. И далее от познания сущности естественного языка очевиден переход к лучшему пониманию других знаковых систем и освоению языков программирования.

ИЯ способствует выработке у обучающегося более глубоких навыков излагать свои мысли на родном языке, избегая косноязычия, повышая уровень своей профессиональной речи. Многие же сполна осмысливается человеком, у которого есть возможность сопоставить в познании мира факты действительности на родном и иностранных языках. Здесь уместным будет вспомнить афоризм И.-В. Гёте «Кто не знает иностранного языка, ничего не знает о своём родном».

Изучение ИЯ также способствует овладению культурой письменного и устного общения. Ясно, что грамотный перевод научной статьи или патента, составление реферата или же аннотации, библиографической справки, выступление с докладом на материале изученной иностранной литературы – всё это не только обогащает знания, но и развивает умение самостоятельно работать с

информацией, столь необходимой специалисту.

Постановка же навыков устного общения в различных речевых ситуациях – это также и обучение профессиональному общению, способствующего воспитанию личных и деловых качеств обучающегося.

Формирование основ коммуникативно ориентированной методики обучения ИЯ предполагает учет следующих параметров:

1. Обучение устной речи является процессом моделирования языка, успех которого зависит как от преподавателя, программирующего этот процесс, так и от языковой компетенции обучающихся и их восприимчивости.

2. Обучение устной речи является процессом моделирования жизненных ситуаций, в котором должен быть максимально учтен не только языковой, но и страноведческий аспект.

3. Речевая деятельность заключается в преобразованиях информации, которая перерабатывается и преобразуется в процессе общения.

4. Речевая деятельность – это не только информативный процесс, но и знаковый, семиотический процесс.

5. Речевая деятельность есть непосредственное воплощение мыслительных процессов.

6. Для речевой деятельности характерно соединение логического и эмоционального.

Методика преподавания ИЯ, пройдя в своем развитии несколько значительных стадий – от прямого, грамматико-переводного, сознательно-практического, аудиовизуального, суггестивного до интенсивного и других методов – обнаружила общие недостатки этих методов. Это послужило толчком к тому, что при формировании новейших методических концепций обучения ИЯ все чаще употребляются термины «коммуникативность», «коммуникативный подход», «коммуникативная компетенция» и т. д.



Причем круг обязательных типовых ситуаций, подлежащих отработке, довольно большой: 1) знакомство и представление кого-то кому-то; 2) начальное приветствие или установление контакта; 3) поддержание контакта при помехах; 4) сигнализация конца монолога; 5) прощание и т.д.

Принцип коммуникативности, который включает в себя коммуникативно-деятельный, коммуникативно-индивидуализированный и коммуникативно-страноведческий подходы, становится все более ведущим, входя в программы, учебники и учебные пособия.

В настоящее время можно выделить следующие лингводидактические проблемы первостепенной важности:

– учебная минимизация ИЯ и как следствие этого составление поуровневых словарей – минимумов и типовых учебников (естественно, с учетом родного языка обучающихся и применительно к различным целям и условиям обучения – от общешкольного до элитарного);

– лингводидактическое описание в виде методики адаптированной нормативной грамматики ИЯ;

– всестороннее изучение характера и форм интерференции и транспозиции родного языка;

– исследование типологии языковых ошибок и путей их профилактики;

– разработка страноведческого и краеведческого аспектов в преподавании ИЯ;

– развитие теории учебной лексикографии и составление различных учебных толковых словарей общего и регионального характера (в первую очередь активного типа) и т.д.

Названные задачи лингводидактики и методики преподавания ИЯ в целом диктуют фундаментальную разработку соотносительных с ними лингвистических дисциплин:

– сопоставительное, типологическое и сравнительно-историческое изучение иностранного и родного языков;

– определение точной шкалы тождеств, сходств и различий в актуализированных лексико-фразеологических подборках, способах деривации слов и оборотов, в грамматическом строе иностранного и родного языков (не только на уровне обобщенных категорий и схем, но и на уровне конкретных и индивидуальных языковых фактов);

– комплексное филологическое (в частности, и социолингвистическое) изучение ИЯ как явления культуры;

– точное определение лингвистических основ учебной лексикографии;

– совершенствование форм и приемов лингвистического анализа и лингвистического комментирования текстов художественной литературы, привлекаемой для обучения ИЯ;

– изучение языковой прагматики (в частности, ИЯ как средства воздействия) и языково-стилистических особенностей средств массовой информации; и т. д.

Возникновению коммуникативной лингвистики способствовала и сама логика развития языкознания: интенсификация исследований по семантике текста привела к тому, что стала бесспорной несводимость реально функционирующих в коммуникации значений языковых единиц к их лексикографическому фиксации в «докоммуникативной» лингвистике, т.е. в своей сути семантика языковых единиц более глубокая и объемная, чем это представлялось буквально недавно. Поэтому лингвистика подошла к решению проблемы о таком моделировании значения языковых единиц, которое соответствовало бы реальностям их функционирования в коммуникативных аспектах.

Новейшая коммуникативная лингвистика охватывает такие направления, как: «теория речевых актов»,



«дискурсивная семантика», «процессуальная семантика», «коммуникативный синтаксис», «контекстная лингвистика», «лингвистика текста».

Общими особенностями различных направлений коммуникативной лингвистики являются:

1) анализ языковых единиц в конкретных условиях коммуникативных актов и

2) рассмотрение текста (высказывания) как исходной позиции интерпретации языка.

Коммуникативная лингвистика выясняет характер приспособления семантической структуры отдельного значения языковой единицы к условиям конкретного коммуникативного акта.

Отличительной чертой современной методики стала её коммуникативная ориентированность, направленная на обучение общению, на использование языка в его основной функции – в функции общения.

Современные методические концепции обучения ИЯ развиваются все отчетливее и определеннее в гуманистическом направлении, связанном с поиском новых подходов к раскрытию содержания, стратегий, средств оптимизации реального процесса обучения.

Коммуникативная направленность всего процесса обучения ИЯ должна сочетаться с его познавательной направленностью, с развитием ценностной ориентации обучающихся, с их приобщением к культуре другого народа и развитием их собственной культуры.

Современная методика преподавания ИЯ, выдвигая на передний план исследование личности обучаемого как центральной фигуры процесса преподавания, ставит новые акценты на требования, предъявляемые к содержанию учебного материала, а также на мотивацию как решающий фактор успеха всего процесса обучения ИЯ.

Эффективность разработки новых методических принципов преподавания ИЯ несравненно возрастает при условии всестороннего учета комплекса лингвистических, социолингвистических, психолингвистических, дидактических и иных данных «стандартного национального языка» [Дж. Буранов, 1993. С.4].

Методические принципы обучения ИЯ строятся в мировом образовательном пространстве, как правило, из описания языковой ситуации в конкретном регионе, степени устойчивости национально-иностранного двуязычия, близости / отдаленности национального и иностранного языков, общих и местных традиций языкового строительства, особенностей межнациональных отношений, длительности их истории и т. д.

Базовым в новейшей методике преподавания ИЯ является понятие коммуникативной компетенции. Под ним принято понимать не только способность правильно строить предложение [что обеспечивается лингвистической компетенцией], но и знание того, при каких условиях общения оно употребимо, а также умение правильно интерпретировать устные и письменные тексты с учётом конкретных условий общения. Например, в этом плане Ф. Деннингхауз [1989. С.58] рассуждает следующим образом: «Речевая компетенция не равна коммуникативной компетенции. Понятие “владеть языком” обозначает чисто речевое умение строить и понимать бесконечное (или практически бесконечное) число грамматических и осмысленных предложений. Новое коммуникативное представление говорит о способности использовать речь в общественных взаимоотношениях для достижения неречевого эффекта».

Формирование коммуникативной компетенции возможно только в процессе речевой практики, которая организуется на каждом занятии с языком. Вместе с тем



необходимо помнить о том, что язык есть открытая система, т.е. отличается исключительным многообразием слов и грамматических конструкций. Поэтому полностью овладеть языком не в состоянии и его носители. По мнению С.Г. Тер-Минасовой [1986. С. 99], «одной из основных причин недостаточной эффективности преподавания иностранных языков, по-видимому, является освящённая многолетней практикой попытка обучения “языку вообще”».

Особо определяется пединновационная значимость коммуникативной компетенции обучающихся иностранным языкам на основе формирования знаний и умений.

Понятие коммуникативной компетенции способствует облегчению конкретизации целей и отбора содержания материала для любой категории обучающихся, а также определяет [в достаточной мере] адекватную технологию обучению [М.А. Ариян и др., 2004. С.10].

Если говорить более конкретно, то коммуникативная компетенция – это способности человека использовать языковые, страноведческие, прагматические, дискурсионные и стратегические знания и умения для участия в общении. Описать же в методике язык как средство общения – это значит представить в системе инвентарь всех единиц, которые составляют конкретную коммуникацию с учётом когнитивных ресурсов и механизмов по контролю использования языка.

Единицы коммуникативной компетенции, являющиеся содержательной основой знаний и умений, можно наиболее оптимально распределить по следующим группам:

1. Сферы коммуникативной деятельности. Темы и их интеллектуальная [концептуальная] значимость для обучающихся.

2. Ситуации и программы их развёртывания [сценарии событий].

3. Социальные и коммуникативные роли коммуникантов [сценарии их коммуникативного поведения].

4. Речевые действия. Прагматические цели.

5. Стратегии коммуникации в ситуациях при выполнении программ обучения.

6. Типы текстов / дискурсов и правила их построения.

7. Значения 1) выражения времени, количества, направления, бытия и т.п., 2) пропозиций (буквальных значений предложений), 3) прагматико-интенциональных, 4) дискурсионных и 5) внутрисистемных.

8. Языковые минимумы [лексические, фонетические, морфологические, синтаксические, фразеологические, паремиологические и др.].

Содержание коммуникативной компетенции включает четыре области знаний и умений: языковые, страноведческие, дискурсионные и стратегические. Функционирование коммуникативной компетенции немислимо без единства всех этих составляющих.

Формирование коммуникативной компетенции обучающихся должно соотноситься с коммуникацией, которая: 1) является формой значимого общения, социального и реального речевого взаимодействия, 2) имеет всегда цели [установление связи (контакта), убеждения (переубеждения), обещания и т.п.]. 3) наличествует в социокультурных контекстах и дискурсах, вносящих ограничения на использование языковых средств и служащих ключами / опорой для верной интерпретации высказывания, 4) естественна с точки зрения использования соответствующих языковых средств и поведения коммуникантов, 5) творческая по содержанию, 6) согласуется с языковыми, страноведческими, дискурсионными и стратегическими знаниями и умениями, 7) реализуется при сложных психологических условиях



[память, нервозность, усталость, отвлечённость, помехи], 8) оценивается положительно при достижении цели.

Формирование коммуникативной компетенции происходит посредством усвоения и овладения.

Усвоение – это подсознательный [неанализируемый] процесс. Обучающиеся усваивают необходимые коммуникативные умения. Это достигается участием в ситуациях общения без заучивания правил [Ср. речевое поведение маленьких детей или же взрослых в недостаточно знакомой иноязычной среде].

Овладение (изучение) включает, напротив, заучивание правил, выполнение тренировочных упражнений.

Тиллар таснифида эътибор, энг аввало, лисоний хусусиятларга, яъни орфографик, фонетик, лексик, грамматик ва прагматик кўрсаткичларга қаратилиши муқаррар. Лекин тиллар ва уларнинг вариантлари ҳақида сўз кетганда улар қўлланишда бўлган юртлар, уларда сўзловчилар ҳамда уларнинг бошқа тиллар (вариантлар) билан алоқаси каби факторларга эътибор қаратмасликнинг иложи йўқ. Лингвистик ва ушбу турдаги ижтимоий-жуғрофий кўрсаткичлар бир хилда эътиборга олинадиган таснифни *социолингвистик тасниф*нинг алоҳида тури сифатида қараш лозим.

Социолингвистик таснифнинг бу тури бажарилишида тил тараққиёти жараёнида тизимда юзага келадиган турли силжишлар ўрганилиб, улар натижасида шаклландиган вариантлар ўзаро қиёсланади ҳамда алоҳида гуруҳларга ажратилади. Бунда, албатта, гуруҳлашнинг таянч нуқтаси, яъни вариантлар қиёсида *tertum comparationis* вазифасини ўтайдиган асосни топиш муҳимдир. Лингвистлар тил вариантлари ва диалектларини фарқлашда “стандарт” тушунчасига мурожаат қилиб келмоқдалар.

Тилнинг стандарт шаклини олиши узоқ пайтни талаб қилади ва у ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар қамровида кечади. Бундан ташқари, маълум турдаги луғат; грамматик, фонетик меъёрлар танлови бажарилиши лозим. Ушбу меъёрлар танланишида ёзувчилар, ўқитувчилар, нашриётчилар ва бошқа зиёлиларнинг ҳиссаси алоҳида ўрин тутади. Масалан, инглиз тилининг стандартлашиши ушбу тилнинг Англия ҳудудида расмий мулоқот воситасида муқимлашуви, расмий ёзишма, нашрларда баён услубига эътиборнинг кучайиши билан боғлиқ. XVIII-XIX асрларда юзага келган бундай муҳитда Лондоннинг шимолий қисмида яшайдиган бадавлат оилалар маъқул кўрган тил инглиз стандартига асос бўлди. Бунда, гумонсиз, Кембриж ва Оксфорд университетларининг ўрни ҳам алоҳидадир. Айниқса, 1755 йилда луғатшунос Самуэл Жонсоннинг машҳур луғати нашр қилинганидан сўнг грамматик ва орфографик қоидаларнинг стандарт шакл сифатида кодлаштирилиши, яъни қайд этилиши осонлашди (ушбу луғат таҳлилига ҳамюртимиз диссертацияси бағишланганлигини эслатмоқчимиз: Салохитдинов 1975).

Кўринадик, стандартлашиш энг камида тўрт босқичдан иборат: тил қоидаларининг танлови, бу қоидаларнинг маълум ижтимоий гуруҳ тамонидан қабул қилиниши, уларнинг тарқалиши ва айрим етакчи ташкилотлар тамонидан



маъқулланиши ва қўлланиши. Қоидалар танловида лингвистик хусусиятларга нисбатан алоҳида шахслар ва гуруҳлар фикри устун туради ҳамда, одатда, зиёлилар нутқи меъёр сифатида белгиланади. Танланган меъёрлар турли ўқув даргоҳларида, диний муассасалар, давлат ташкилотлари, нашриётларда маъқулланади ва тарқалади. Меъёрларнинг тарқалиши шакл ва вазифа яқдиллигини тақоза этади, масалан, инглиз стандартининг шаклланиши даврида унинг кўплаб юнон ва лотин луғат бирликларини камраб олишига тўғри келди, чунки улар илм, дин, фалсафа соҳаларида муҳим роль ўйнайдилар.

Айтилган босқичлардан ўтгандан сўнг танланган қоидалар кодлашиб бошлайди. Кодлашиш маълум мазмунга эга бўлган лисоний ходисаларга тартиботли равишда лисоний белги берилишидир. Код, одатда, маълум кўринишда ижтимоий келишув асосида қабул қилинади ва маълум маданий муҳитда қўлланишда бўлади (Jakobson 1990:15). Стьюарт Холл кўрсатганидек, “коднинг фаоллашувисиз мулоқотнинг росмана ва мазмундор бўлиши қийин” (Hall 1996:37). Коднинг маълум вазиятларда жамиятда устунликка эришиши ва жамоадаги лисоний фаолиятни маълум даражада “назоратга олиши” стандартнинг шаклланишини тезлаштиради ҳамда унинг ролини мустаҳкамлайди. Бинобарин, 19 асрдан кейин Англияда оғзаки ва ёзма нутқнинг маълум усулларини тавсия қилувчи кўплаб грамматик, стилистик қўлланмалар нашр қилиниши авж олди. Аммо тавсия қилинаётган “тўғри” шаклни “нотўғри”сидан ажратиш бирор-бир аниқ мезонга эга эмас ва бу борадаги кўрсатмалар мавҳумлигича қолиб кетмоқда. Масалан, coming, hunting каби шакллардаги –ing форматини унинг ёзилишидан келиб чиқиб, [in] кўринишида талаффуз қилиш ёки isn't инкор формасини ишлатиш ҳақидаги тавсиялар

бирор-бир мантиқий асосга эмас (барча [in] ва ain't шаклларидадан фойдаланади).

Эслатиб ўтиш жоизки, стандартларнинг юқорида санаб ўтилган мезон ва ҳолатлари асосан инглиз тилининг икки минтақада, яъни Америка Қўшма Штатлари ҳамда Буюк Британияда амалда бўлган нормалари мажмуасига оиддир. Бироқ АҚШда ҳам меъёрлаштириш йўли билан стандарт чегарасини белгилаш муаммоси узил-кесил ҳал қилинмасдан қолмоқда ва бу борада турли, баъзан бири-иккинчисига қарама-қарши фикрлар туғилишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотчиларнинг ёзишларича, стандарт таснифида тилининг худудий вариантларини инобатга олиш даркор эмиш, “чунки, масалан, car bear қаторидаги сўзлардаги “r” ҳарфининг Шарқий Янги Англия ва Жанубий-Шарқий Америка худудларида (car ўрнига cah, bear ўрнига beah) талаффуз этилмаслиги стандарт меъёри сифатида қабул қилиниши билан бир қаторда, бошқа худудларда талаффузда тўлиқ акс топишини ҳам меъёрдан четга қўйиб бўлмайди” (Wolfram, Shilling-Estes 1998:11). Ҳақиқатан ҳам тил меъёрларининг белгиланишидаги бу қадар нотурғунлик, уларнинг сўзловчиларнинг қайси худудда яшашига боғлиқ ҳолда белгилаш “стандарт” ҳодисаси тўғрисида гапиришнинг ўзиниёқ қийинлаштиради. Ҳарҳолда, АҚШда ҳам инглиз тилининг стандарт қоидаларини кодлаштириш ҳаракатлари мавжуд ва 1828 йилда нашр қилинган An American Dictionary of the English Language, Heritage Dictionary, The Longman Pronunciation Dictionary кабилар бунга мисол бўла олади (Wells 2008). Талаффуз ва грамматикадаги турлитуманликлардан қочиш мақсадида америкалик олимлар Network English Standard кўрсатмаларига амал қилиш маслаҳатини берадилар, чунки Received Pronunciation нормалари “алоҳида ижтимоий гуруҳга оид бўлиб, ҳеч қачон умумий талаффуз ҳолатларини акс эттирмаган” эмиш (Milroy 1999:174).



General American атамасини олган вариант ўзига хос фонетик, орфографик, грамматик хусусиятларга эга ва бу хусусиятларга асосланган ҳолда уни British English вариантдан фарқлаш мумкин.

Кейинги йилларда илмий адабиётларда Ҳиндистон, Сингапур, Жанубий Африка, Нигерия, Ямайка каби мамлакатларда қўлланишда бўлган инглиз тили вариантларига нисбатан “маҳаллий стандарт” (local standards) атамаси ишлатилмоқда. Ушбу атаманинг изоҳи жуда оддий: турли мамлакатларда юзага келган вариантлар British English вариантга грамматик ва орфографик жиҳатдан мос келиши билан бир қаторда, талаффузда ва мулоқот қоидаларида фарққа эга бўлади (Trudgill, Hannah 2008:1-4). Лекин британиялик тилшуносларнинг ушбу кўрсатмасига амал қиладиган бўлсак, масалан, Норфолк шеvasида сўзловчиларнинг феъл тусланишидаги биринчи ва учинчи шахс шакллари фарқламасликларини (I do, he do) ностандартликка йўйиб, ҳиндистонлик ва нигерияликлар инглиз тилини, улар [ə] ва [θ] товушларини талаффуз қилмасликларидан қатъи назар, стандарт сифатида қарашга мажбур бўламиз. Чунки улар *I do* ва *he does* шакллари фарқлайдилар.

“Маҳаллий вариантлар”нинг кўпчилиги бизнинг асримизгача унчалик кенг миқёсда қўлланишда бўлмаганлиги сабабли, тил бирликларини тўғри ишлатиши, грамматик қоидалардан ўринли фойдаланиш ҳақида аниқ кўрсатмалар йўқ, уларда норма омманинг нутқига нисбатан белгиланади. Ҳиндистон, Нигерия, Жанубий Африкада амалда бўлган вариантларга келадиган бўлсак, уларда стандартлашув илк босқичларда турибди, танланган меъёрларни ҳали ҳамма бир хилда эътироф этиб улгургани йўқ. Нигериялик тадқиқотчи А.Банжо гувоҳлик беришича, шу мамлакатда инглиз тилида ижод қилувчи муаллифлар ёзаётганларини текширишда асосан “Зиёли ҳамюртимиз шундай усулда сўзлайдиларми?” деган

саволга жавоб излар эканлар (Banjo 1993:209).

Стандартлашув Ҳиндистон, Сингапур, Малазияда биров тезлашгандек кўринади. Ҳиндистонлик тилшунослар тузган “Indian and British English” луғати яқинда нашрдан чиқди (Nihalani et al. 2006). Аммо бу луғатда инглиз тили стандартига қиёслаган ҳолда берилаётган меъёрлар фақат тавсиф кўринишига эга бўлиб, уларга риоя қилиш ҳақида ҳеч қандай тавсия ёки кўрсатма йўқ. Натижада, инглиз тилида чоп қилинадиган маҳаллий газета, журналларда ҳеч бир стандартга мос келмайдиган грамматик шакллар, нутқий тизилмалар қўлланиши доимо кузатиб келинаётган ҳолдир (қаранг: Görlach 1995). Малазия, Сингапур ва Флиппинда ҳам қарийб шунга ўхшаш жараёнлар кечмоқда (Deterding 2007; Bolton 2002; Gill 2002; Anthea Gupta’s Welpage; Language Varieties Website).

Буларнинг барчаси стандартлашишни белгиловчи мезонларни қайтадан кўриб чиқиш ва меъёрлар танловида тил тизимида юзага келаётган ўзгаришлар ҳамда грамматик-лексик муқобилликларга эътибор қаратиш лозимлигидан дарак беради. Зеро, лисоний ҳодисаларнинг ҳар қандай кўринишда моделлаштирилиши тилнинг умумий табиатини, унинг ҳаракатчанлиги ёки динамикасини ҳамда унга хос бўлган яратувчанлик қобилиятини акс эттириши керак. Бундан ташқари, стандарт тилнинг манбаси фақат Британия ва АҚШ бўлиши кераклигини уқтириб келаётган ғоя ҳам анчагина эскириб қолганга ўхшайди. Лисоний ҳодисалар тавсифида плюралистик ёндашувнинг самарадорлиги кўп бор синаб кўрилган. Боз устига, айрим мамлакатларда инглиз тилида “қўшмаданиятлик” намунаси бўлган бадиий асарлар пайдо бўлмоқдаким, Нобель мукофоти соҳиби Ғарбий Африка вакили Воил Сойинка (Wole Soyinka), ҳиндистонлик Анита Десай ва Рожа Рао кабиларнинг асарлари матнидан стандарт



меъёрларни белгилашда фойдаланмасликнинг иложи йўқ.

Афсуски, инглиз тилининг ҳамма учун бир хил бўлган халқаро стандарти (International Standard English) қабул қилинмаган. Бизнингча, бундай кўринишдаги стандартни шакллантириш даврдошларимизнинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб улгурди. Халқаро стандарт маълум даражада сунъий мундарижага мойил бўлишдан кўрқаётганларга эслатмоқчимизки, ҳозир амал қилаётганимиз British English Standard ҳам алоҳида шахслар фаоллигида шакллантирилган ва ундан ҳозирги пайтда Англия аҳолисининг фақат 12 фоизи фойдаланмоқда (қаранг: Trudgill 2002; Britain 2010:41). Лекин ушбу стандарт инглиз тили таълимида, матбуотда ҳамон таянч манба вазифасини ўтаб келмоқда. Шунга нисбатан, ушбу стандартнинг тил вариантлари қиёсида *terium comparison* вазифасини бажаришини ҳамда стандартлашишнинг вариантлари таснифида таянч фарқловчи белги, мезон бўла олишини инкор этиб бўлмайди.

Баъзи олимлар тил вариантларини гуруҳлашда жуғрофий ва ижтимоий кўрсаткичларни алоҳида эътиборга олишга интилишиб, минтақавий ҳамда ижтимоий вариантларни ажратиш тарафдоридирлар (масалан, қаранг: Rickford 1986; Williams 1992). Дунё инглиз тиллари таснифида “ажримчилик” ёндашуви унчалик маъқул келмайди. Бу хилдаги тасниф бажарилишида, яхшиси, барча кўрсаткичларни (ҳеч бўлмаганда, ёнма-ён турадиганларини) бир хилда эътиборга олиш лозим бўлади. Вариантларнинг минтақавий хусусиятлари ижтимоийларидан унчалик узоқлашмайди. Ҳатто улар бир пайтнинг ўзида, тенг кўламда намоён бўлишлари ҳам эхтимолдан ҳоли эмас. Вариантларнинг фарқлари *квалитатив* ва *квантатив* кўринишларга эга. Сифат ва сон кўрсаткичлари ҳам бир-бирини инкор этмасдан, аксинча, бири-иккинчисини тўлдирди. Чунончи, *A* вариантыда *X*

кўрсаткичи ва *B* вариантыда *У* кўрсаткичи мавжуд бўлган тақдирда сифат кўрсаткичлари қайд этилса, *X* кўрсаткичининг *A* вариантыда *B* дагига нисбатан кўп миқёсда учраши аниқланаётганида эса, миқдорий (квантатив) таҳлил амалга ошади. Квалитатив ва квантатив кўрсаткичларнинг бир хил даражада ва бир пайтнинг ўзида вариантлар фарқлинишида асос бўлиши учун ажратилаётган кўрсаткичлар тасодифий хатолар бўлмасдан, балки доимо ва тизимли равишда такрорланадиган ҳодисалар қаторини ташкил қилишлари лозим.

Инглиз тилининг тарқалиши дунёнинг турли ҳудудларида турли сабаблар ва мақсадларда кечган. Халқлар миграцияси тилларнинг миграциясини тақозо этади ва ушбу икки воқелик ёнма-ён, бир даврнинг ўзида содир бўлади. 17 аснинг бошларида бир гуруҳ инглизлар Массачусетга кўчиб ўтиши билан Шимолий Американинг ишғол қилиниши бошланади ва 1640 йилда Янги Англия деб аталган ҳудудда 25 мингдан ортиқ инглизлар истиқомат қила бошладилар. 19 асда миграция оммавий тус олди ва оқибатда АҚШда инглиз тилини ўз она тили сифатида эътироф этганларнинг сони 250 миллиондан ошди. Канада, Янги Зеландия, Австралия, Жанубий Африка (қисман) мамлакатларида инглиз тилининг асосий мулоқот тилига айланиши ҳам миграция ҳаракатлари билан боғлиқ. Инглиз тилининг Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Малазия, Сингапур каби ҳудудларда тарқалишининг сабаблари босқинчилик мақсади амалга оширилиши билан боғлиқ. Бу ҳудудларда инглиз тилини она тили деб ҳисоблайдиганларнинг сони жуда ҳам кам ва янгитдан юзага келган вариантларни баъзилар *New English* номи билан атайдилар ҳамда ушбу кўринишдаги инглиз тили иккинчи тил сифатида эътироф этилади (қиёсланг: Mufwene 2000:9). Бундан бир неча йил олдин “постколониал вариантлар” (*postcolonial*



variants) атамасини қўллаган Э. Шнайдер вариантлар ҳосил бўлишини таджирий ҳодиса сифатида қарашни маъқуллади (Shneider 2007). Вариантлар ривож эволюцион жараён эканлиги ҳақиқат, чунки ушбу жараён ижтимоий-маданий воқеалар кечишининг кетма-кетлигида кечади. Лекин таджирий босқичлар вариантлашувнинг барча ҳолатларида бир текис ва бир хил кўринишда кечиши гумон. Билдирилаётган гумонимизни асослаш учун Э. Шнайдер санаб ўтган тараққиёт босқичлари қаторини эслатмоқчимиз. Бу қаторга олим “асос солиш” (exonormative stabilization), “маҳаллийлашув (nativation), “эндономатив муқимлашув” (endonormative stabilisation), “фарқланиш” (differentiation) кабиларни киритиб, кўйидагича изоҳлайди (Shneider 2007:78-87):

1. “Асос солиш” босқичи инглиз тилининг бошқа бир ҳудудга кўчиб келган одамлар гуруҳи тамонидан қўлланишга киритилишини акс эттиради. Бу босқич маълум бир давр мобайнида кечиб, тил вазияти турғунлашганидан, яъни “кўчманчилик” тили ҳукмронликка эришганидан сўнг тугайди.

2. “Экзонорматив муқимлашув” ҳудуд истило қилинганидан сўнг инглиз тилининг тарқатилиши ва маҳаллий аҳоли орасида билингвиаллар гуруҳининг шаклланиши шароитида кечади.

3. “Маҳаллийлашув” босқичида кўчиб келганларнинг она юрти билан алоқаси сусаяди ва бунинг натижасида маълум турдаги лисоний воқеликлар юзага келади: маҳаллий аҳоли тили билан инглиз тилининг ўзаро “қоришуви” натижалари кўрина бошлайди, янги вариант ҳосил бўлишига замин тайёрланади.

4. “Эндономатив муқимлашув” босқичи маҳаллий меъёрларнинг аста-секин қабул қилиниши ҳамда кўчиб келганларнинг маҳаллий аҳоли билан миллий ўзлик бирдамлигига интилиши, аниқроқ айтадиган бўлсак, янги миллатнинг шаклланиши даврида кечади.

Айнан шу даврда луғатлар ва қўлланмаларда янги вариант намуналари қайд қилина бошлайди.

5. “Фарқланиш” босқичида янги миллат шаклланади ва турли ҳудудий, ижтимоий ҳамда этник гуруҳлар мажмуасидан ташкил топган бу миллатнинг тилида ички бўлинишлар, яъни “шева”ларнинг ҳосил бўлиши кузатилади.

Санаб ўтилган эволюцион босқичлар инглиз тили вариантлари ривожига хос бўлса-да, лекин улар ушбу тилнинг дунё бўйлаб тарқалишининг барча ҳолатларини акс эттирмайди. Уларга диққат билан разм солганимизда, сўз, асосан, инглиз тилининг биринчи ёки она тили сифатида эътироф этилишига оид ҳолатлар ҳақида кетаётганлигини ва фақат айрим пайтлардагина унинг иккинчи (расмий) тил сифатида қабул қилинишига изоҳлар берилаётганлигини кўрамиз. Ҳолбуки, инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалиши юқоридаги ҳолатлар билан чегараланиб қолмайди. Бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида миллиардлаб фуқаролар бу тилни чет тили сифатида ўрганмоқдалар, ундан расмий ва илмий мулоқот жараёнларида фойдаланмоқда ва газета-журналлар нашр қилинмоқда ҳамда таржималар бажарилмоқда. Тилнинг бу йўналиш ва кўринишда тарқалишини назардан четда қолдириш мўлжалланган таснифнинг тўлақонли бўлмаслигига сабаб туғдиради, чунки таснифий мезонлар тўплами талабга жавоб бермайди.

Таснифнинг тўлиқ, барчани қониқтирадиган кўриниш олиши учун яна бир қарра юқорида эслатилган сифат ва сон (квалитатив ва квантатив) таҳлил амалларига мурожаат қилингани маъқул. Квантатив таҳлилга мурожаат қилинганда инглиз тилининг қўлланиш миқёси, жамиятнинг турли соҳаларида (таълим, бизнес, ҳуқуқ, маданият ва ҳ.) бажараётган вазифаси аниқланса, квалитатив амаллар татбиқида эса ундан фойдаланиш даражаси, ижтимоий сингдирилганлик



меъери белгиланади. Масалан, Хитой, Корея, Россия, Ўзбекистон каби мамлакатларда инглиз тилининг таълим, халқаро мулоқот соҳаларида қўлланиш миқёси кенгайиб бораётган бўлсада, лекин ундан фойдаланиш ва унга оид билимнинг “чуқурлиги” даражаси Ҳиндистон ёки Сингапур мамлакатлариникига ҳали етишганича йўқ. Энг муҳими, баъзилар ўйлаганидек, қандайдир бир “оралиқ ёки ўрта тил” вужудга келмасдан (қаранг: Selinker 1992), балки ўзига хос хусусиятларга эга бўлган вариантлар шаклланиш арафасида турибди. “Ўрта тил” эса она тили ва чет тили ўртасидаги ҳар қандай тизимлилик ва рационалликдан йироқ бўлган тузилмадан бошқа нарса эмас. Шу боис *interlanguage* тушунчаси социолингвистлар танқидидан холи эмас (қиёсланг: Kashru 1993; Sridhar and Sridhar 1986).

Фикримизча, ўтган асрнинг тўксонинчи йилларида таклиф қилинган тасниф модели қўйилаётган талабларга бирмунча етарли даражада жавоб бера олади. Ушбу модел муаллифи Браж Кашру инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалишини занжирсимон йўналишда кечишини эътиборга олиб, юзага келган вариантларни уч доира ичига жойлаштирган ҳолда тасаввур қилишни тавсия қилади. Асосийси, вариантларнинг ўзаро муносабатига киришиши ва уларнинг доиралар ичида жойлашуви ўзгарувчан эканлиги ҳам эътибордан четда қолдирилмасдан, ушбу доиралар ўзаро кесишган ва ҳақиқий занжирни ҳосил қилган ҳолда тасвирланади (Kashru 1985; 1992; 1994). Иллиноис университетининг профессори дунё инглиз тилларини қуйидаги доираларда тақсимлайди:

1. **Ички доира** (Inner Circle). Бу доирага инглиз тили асосий тил бўлган Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия мамлакатлари киради. Бу мамлакатларда аҳолиси баъзан бошқа тилларда сўзлашса ҳам, лекин кўпчилик она тили сифатида инглиз тилини эътироф этади ва у расман давлат тили деб эълон

қилинган. Америкаликлар, ўз навбатида, бундай расмийликка унчалик эътибор бермасдан (АҚШ Конституциясида “давлат тили” ҳақидаги банд йўқ), доимо инглиз тилини биринчи ва ҳукмрон тил деб биладилар.

2. **Ташқи доира** (Outer Circle). Бу доирага инглиз тили кўплаб расмий вазибаларни бажарадиган, у давлат бошқаруви, таълим, адабиёт ҳамда маданиятда ўз ўрнини эгаллаган Ҳиндистон, Покистон, Сингапур, Жанубий Африка, Нигерия, Замбия, Филиппин каби мамлакатлар киради.

3. **Кенгайётган доира** (Expanding Circle). Бу доирага кирадиган мамлакатларда инглиз тили турли вазибаларни бажаради ҳамда таълим соҳасига кенг миқёсда жорий қилинган бўлса-да, лекин бунда асосан илмий ва техник адабиётлар билан танишиш ҳамда мулоқат юритиш қобилитини шакллантириш мақсадида ўргатилади. Бундай мамлакатлар қаторига муаллиф негадир фақат Хитой, Индонезия, Эрон, Япония, Корея ва Непални киритади (Kashru 1983: 145-170). Ҳолбуки, айнан ушбу доира дунёнинг кўплаб мамлакатларини, шу жумладан, Ўзбекистонни ҳам қамраб олади. Инглиз тилининг жаҳон бўйлаб кенг тарқалиши кузатилаётган бир пайтда ушбу доира сарҳадини 4-5 та мамлакатни санаб ўтиш билан чегаралаб қўйиш таклиф қилинган таснифнинг заиф кўриниш олишига сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, Б.Кашру модели айрим камчилик ва заифликлардан холи эмас. Ушбу модель, кўп турдаги вариантлар хусусиятларини ўта оддийлаштириш йўли билан тасвирлаш асосида шакллантирилган ҳамда вариантларни гуруҳлашда жуғрофий-тарихий кўрсаткичлар олд ўринга чиқарилиб, улар бажарилаётган вазифа, яъни функционал белгиларга тенглаштирилган. Энг ачинарлиси, модель учун танланган таснифий белгилар ҳар доим ҳам социолингвистик шарҳга эга эмас. Шу




боис, модел мунаққидларидан бири “уч доира тушинчаси миллатлар фарқига асосланган модел ва у тарихий воқеаларга таянади, ҳозирги социолингвистик фактлар эса қарйб инобатга олинмайди”, дейиш билан ҳақли эди (Bruthiax 2003:172).

Социолингвистик омиллар, сўзсиз, тил вариантларини ажратиш ва уларнинг таснифлашда муҳим кўрсаткичдир. Бинобарин, бир хилда “ташқи доира” худудига киритилган Малазия ва Сингапурдаги инглиз тилининг роли ва бажараётган вазифасини қиёслаб кўрайлик. Буюк Британия ҳукмронлиги даврида ягона бир давлатни (British Malaya) ташкил қилган Малазия ва Сингапур мустақилликдан сўнг алоҳида давлатлар сифатида ажралиб чиқишди ва уларнинг ҳукуматлари юритилаётган тил сиёсати туфайли юзага келган социолингвистик муҳит тамоман бошқа-бошқа кўриниш олди. Бу, даставвал, инглиз тили қўлланишининг миқёси ва кўламида намоён бўлади. Малазияда инглиз тилининг қўлланиши кўпроқ инсонларнинг ижтимоий мақомига, қайси гуруҳга оидлигига боғлиқ: Куала Лумпурда яшовчи зиёлилар, олий маълумотли кишилар ундан “иккинчи” ёки “биринчи” тил сифатида фойдалансалар,

узок минтақаларда яшовчилар учун у ҳануз “узок чет тили” бўлиб қолмоқда (қаранг: Pennycook 2003:519; David 2004). Сингапурда, аксинча, инглиз тили кенг миқёсда ва чуқур ўрганилади, ундан фойдаланиш даражаси ҳам Малазияникидан анча юқори (Low, Brown 2005). Ҳозирги пайтда ҳатто ёш авлоднинг кўпчилиги инглиз тилини она тили сифатида ўрганиб вояга етишмоқдаларким, бу Singapore English вариантининг “ички доира”га яқинлашувиға туртки бермоқда .

Эслатилган камчиликларға қарамасдан, Б.Кашрунинг “уч доира” модели дунё инглиз тилларининг таснифлаш ва тавсифлашнинг бирмунча қулай модели бўлиб, у тилдан фойдаланиш амалиёти, фойдаланувчилар ва, ниҳоят, унинг шакллари орасидаги муносабатларни аниқлаш имкониятини кенгайтиради. Бундан ташқари, дунё инглиз тиллари тадқиқида вариативлик ҳодисасини асосий ўринға кўйган ушбу модель ўзининг оддийлиги билан ҳам ажралиб туради ва худди шу сабабли уни чизмада тасвирлаш осон кечади. Қуйида келтирилаётган чизмада дунё инглиз тиллари занжирли муносабатини акс эттиришға ҳаракат қиламиз:



Чизмадан кўринадики, уч доирали тасниф модели плюрализмға хос тамойилларға асосланган ҳолда қурилган бўлиб, ушбу тамойилларнинг татбиқ этилиши тилни тизимлаш ҳодиса сифатида

тасаввур қилиш билан бир қаторда, унинг қўлланиш шарт-шароитлари, муҳитини ҳам бевосита идрок этиш ҳамда илмий тасвирлаш, изоҳлаш имконини беради.



Адабиётлар

1. Alsagoff L. English in Singapore: culture, capital and identity in linguistic variation // World Englishes, 2010. Vol. 29. No. 3. –P. 336-348.
2. Anthea Gupta's web page at <http://www.leeds.ac.uk/English/staff/afg/singeh2>
3. Banjo A. On codifying Nigerian English: research so far. In: Bamgbose, Banjo A. and Thomas A. (eds.). New Englishes. A West African Perspective. –Ibadan: Mosuro, 1993. –P. 203-31.
4. Bolton K. (ed.). Hong Kong English: Autonomy and Creativity. –Hong Kong: Hong Kong University Press, 2002.
5. Bruthiax P. Squaring the circles: issues in modeling English worldwide // International Journal of Applied Linguistics, 2003. Vol. 13. No.2. –P. 159-173.
6. Craddol D. English Next (2006) at: <http://www.britishcouncil.org/learning-research-English-next.htm>
7. David M.K. (ed.). Teaching of English in Second and Foreign Language Settings: Focus on Malaysia. –Frankfurt: Peter Lang, 2004. Chapter 1, P. 1-15.
8. Deterding D. Singapore English. –Edinburgh: Edinburgh University Press, 2007.
9. Dillard J.L. A History of American English. –New York: Longman, 1992.
10. Gill S.K. International Communication: English Language Challenges for Malaysia. –Selangor: University Putra Purra Malaysia Press, 2002. Britain D. Grammatical variation in the contemporary spoken English of England. In: Kirkpatrick (ed.). The Rutledge, 2010. –P. 37-58.
11. Görlach M. Text types and Indian English. In: Görlach M. (ed.). More Englishes. – Amsterdam: Benjamins, 1995. –P. 192-219.
12. Hall S. Cultural studies: two paradigms. In: Storey J. (ed.). What is Cultural Studies? – London: Arnold, 1996. –P. 31-48.
13. Holmes J. An Introduction to Sociolinguistics. –London, New York: Longman, 1992.
14. Jakobson R. On Language. –Cambridge, MA: Harvard University Press, 1990.
15. Johnson S. A Dictionary of the English Language. –L; 1775. II vol.
16. Kachru B., Kashru Y., Nelson C. (eds.). A Handbook of World Englishes. –Oxford: Blackwell, 2006.
17. Kashru B. Models of New Englishes. In: Cobarrubias J., Fishman J. (eds.). Progress in Language Planning International Perspectives. –Berlin: Mouton, 1983. –P. 145-170.
18. Kashru B.B. Standards, codification and sociolinguistic realism. The English language in outer circle. In: Qurk R. and Widdowson H. (eds.). English in the World: Teaching and learning the language and literatures. –Cambridge: Cambridge University Press, 1985. –P. 11-30.
19. Kashru B.B. The second diasporas of English. In: Machan M. and Scott C.T. (eds.). English in the social contexts: Essays in historical sociolinguistics. –New York: Oxford University Press, 1992. –P. 230-252.
20. Kashru Y. Interlanguage and language acquisition research. (Review of L.Selinker, Rediscovering Interlanguage. London: Longman). // World Englishes, 1993. Vol. 12. No.2. –P. 265-268.
21. Language Varieties web site at <http://www.hawaii.edu/satocenter/langnet>
22. Low E.L. Brown A. English in Singapore: An Introduction. –Singapore: McGraw –Hill Asia, 2005.
23. Milroy L. Standard English and Language Ideology in Britain and the United States. In: Bex T. and Watts R. (eds.). Standard English: The Widening Debate. –London, New York: Routledge, 1999. –P. 173-206.
24. Mufwene S. Population contacts and the evolution of English // The European English Messenger, 2000. Vol. 9. No. 2. –P. 9-15.



25. Nihalani P., Tongue R.K., Hosali P. and Crowther J. Indian and British English. – Karachi: OUP, 2006.
26. Pennycook A. Global Englishes, Rip Slyme, and performativity // Journal of Sociolinguistics, 2003. Vol. 7. No. 4. –P. 513-533.
27. Rickford J.R. The need for new approaches to social class analysis in sociolinguistics // Language and Communication, 1986. Vol. 6. No.3. –P. 215-221.
28. Schneider E.W. Postcolonial English. –Cambridge: Cambridge University Press, 2007.
29. Selinker L. Rediscovering interlanguage. London: Longman, 2002.
30. Shridhar K.K., Shridhar S. N. Bridging the paradigm gap: Second language acquisition theories and indigenized varieties of English // World English's, 1986. Vol. 5. No. 1. –P. 3-14.
31. Starr F.S. Lost Enlightenment: Center Asia's Golden Age From the Arab Conquest to Tamerlane. –Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2013. 634p.
32. Trudgill P. Sociolinguistic Variation and Change. –Edinburgh: Edinburgh University Press, 2002.
33. Trudgill P., Hannah J. International English. –London: Edward Arnold, 2008.
34. Williams G. Sociolinguistics: A sociological critique. –London: Rutledge, 1992.
35. Wolfram W., Schilling – Estes N. American English. –Oxford: Blackwell, 1998.
36. Салоҳиддинов Ғ.С. С.Джонсон как лексикограф (лексикографический анализ A Dictionary of the English Language С.Джонсона). Автореф. Дисс...канд.филол.наук. – Ленинград, 1975. –24.С.

Рахимов Г. Варианты английского языка в мире и их особенности. В статье рассматривается актуальный социо-лингвистический процесс – развитие видов английского языка, определяются как географические, так и социально-экономические статусы существующих вариантов английского языка. Также высказываются предложения по совершенствованию принципов классификации вариантов английского языка.

Rakhimov G. World English and their peculiarities. The article deals with an actual social-linguistic process – development of the variants of English in the world. It also describes geographic and social-economic status of existing variants of English. The author suggests improving of principles of English language variants classification.



Ф.С.УБАЕВАНИНГ МОНОЛИНГВИСТИК ЭФФЕКТИ ҲАҚИДАГИ ҚАЙДЛАРИ

Р.Сайфуллаева

Ўзбекистон миллий университети филология фанлари доктори, профессор

Ш.Сайфуллаев

Профессор, Санкт Петербург

Таянч сўзлар: филология, лингвистика, психоллингвистика, миллат, монолог ва билингв, интеллект ва қобилият.

Мамлакатимиз халқи учун Биринчи Президентимизнинг “Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган халқнинг келажаги, албатта порлоқ бўлади”, деган гаплари дастурамал бўлиб хизмат қилиши баробарида зиёлилар, давлат ходимлари, олимлар, мураббийлар авлодларимиз келажагининг янада порлоқ бўлиши йўлида мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида ниҳоятда аҳамиятли ҳамда қадрли тадбирлар ўтказишмоқда. Кучли тараққиёт ва юқори даражадаги технологиялар асри бўлган бу даврга мос равишда кетма-кет ўтказилаётган чора-тадбирлар халқимиз диққатини тортиб келмоқда. Шулардан бири “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги “ қарор ва унинг доирасида амалга оширилаётган ишлардир. Ушбу қарорнинг 1-бандида республика ҳудудларида чет тиллар, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан бошланиши қайд этилган. Ўрта асрлардан бошлаб чет тилини ўрганиш зарурати айрим ўзбек олимларининг ўтказган тажрибаларида ўз аксини топган эди, аммо уларни собиқ иттифоқ даврида маълум сабабларга биноан чоп этиш ёки эълон қилиш мумкин бўлмагани ҳаммага аён. Ана шу маънода халқимиз интеллектуал ривожини юқори даражада эканлигини исботлаган филолог олимлар Р.Сайфуллаев ва Ф.Убаеваларнинг ушбу йўналишдаги илмий тажрибаларидан айримларини эслатмоқчимиз.

Олимлар ўтказган тажрибалар моҳияти қуйидагилардан иборат: ёши ва синфини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир

ўқувчига, даставвал, унинг она тилига таржима қилинган анча оддий содда гаплар ва мантикий вазифалар берилиб, уларнинг жавоблари таҳлил қилинган эди. Топшириқлар мазмуни билан танишишгач, ўқувчиларга улар ҳақида ўз фикрларини билдириш таклиф этилган ва буларнинг ечими учун дарсдан ташқари бир соат ажратилган. Жавоблар олингач, уларга бошқа типдаги вазифалар берилди ва, улар олдингилардан фаркли равишда болалигидан она тилидек яхши билган хорижий тилда бўларди.

Биринчи тип топшириқлар бир неча вариантлардан иборат бўлиб, улардан ҳеч бўлмаса биттасига тасдиқ ёки инкор жавобини бериш зарур. Бу содда гап-вазифалар қуйидаги шаклларда эди, масалан, “Бу тўртбурчак стол айлана ва у тўғри бурчакка зид жойлашади”. Бунда мантиқ ва грамматиканинг тўқнашуви мавжуд, аммо жаҳон тилларининг ҳаммасида ҳам бундай зидлик йўқ.

Шу типли вазифалардан кейингиси қуйидагича бўлиши мумкин эди, масалан, “Қуёш фақат эрталаб чиқади, кечкурун ботади”. Бу каби гапларда грамматик қоидаларга риоя қилинган, аммо табиат қонунлари ва реал борлиқ мантики бузилган, чунки Қуёш ҳеч қачон чиқмайди ва ботмайди, у Ер атрофида эмас, балки Ер унинг ва ўз ўқи атрофида айланади. Шу каби гапларнинг учинчи варианты турли ёшдаги болалар учун инсон нутқи ва турли тиллардаги матнларни тушуниш масаласига оид оғзаки ва ёзма матнлардан иборат эди. Бунда муаллифлар икки-уч ҳар хил тилларни билувчиларнинг бир хил нутқ ва матнларни тушуниш қобилиятини



текшириб кўриш тасаввурига эга бўлишди. Бунда рус тилшуноси ва психологи Л.С.Выготскийнинг бир хил нутқ ҳамда матнларни тўғри тушунишни таҳлил қилиш ҳақидаги машҳур тезиси муҳим аҳамият касб этади (Л.С.Выготский: 1966).

Шунингдек, Л.С.Цветкова “Мозг и интеллект” номли монографиясида бола ва ёши катта кишининг матн устида ишлаши барча вазифаларга кўйилган талабларни аниқлаш мақсадида психологик тажриба ва лингвистик экспериментлар ўтказишда юқорида тилга олинган усул ва методларнинг айримларидан фойдаланиш маъқуллиги кўрсатилган.

Шу топшириқнинг яна бир тури куйидаги вариантга ҳам эга бўлиши мумкин: Бир шоҳ вазирларининг қайси бирига ишониш мумкинлиги ва уларнинг садоқатини билиш учун тўғри жавобга бойлигининг ярми ҳамда мукофотлар беришини айтиб, савол беради: “Айтинглари-чи, ким мени ҳозир алдайди?” Ҳарбий вазир жавоби: “Шоҳим! Сизни махфий ишлар вазири алдайди. Унга ишонманг, алдаши шубҳасиз!” Махфий ишлар вазири шоҳнинг қулоғига “Олий ҳазратлари! адлия вазири алдайди”, деди. Ва адлия вазинининг жавоби: “Ҳеч кимга ишонманг, ҳарбий вазир ёлғон гапиради ва бу тулки махфий ишлар вазири ҳам ёлғончи!” Вазирлар шоҳ олдида қийин масалани кўйишди. Кимга подшоҳликнинг ярми тегишини билиш қийин.

Вазифаларнинг кейинги тури мантиқий гаплардан тузилган бўлиб, уларнинг жавобларини айтиш керак эди. Бу вазифалардан ҳам айрим намуналар келтирилади, чунки уларнинг ҳаммасини беришга мақола ҳажми йўл кўймайди. 6-8 ва 9-10–синф ўқувчиларининг айрим гуруҳлари биринчи вариант жавобларини билишарди ва унинг мантиқий ечимини тўғри кузатишлари лозим эди, иккинчи вариантни эса мустақил тарзда ечишлари керак эди. Табиийки, бу каби топшириқларнинг ечими болаларнинг ирқи ва миллати, маданияти ва менталитетига эмас, фақат уларнинг

мантиқий қобилияти ва интеллектига боғлиқ. Бу тажрибалар турли миллат болалари билан ўтказилган ва улар гўдаклигидан фақат ўз она тилини билишган, яъни улар улғайганда монолингвлар бўлишади. Муаллифлар 1991 йилда бошлаган тажрибаларида Ньютон, Дарвинлар инглиззабон ёки Ломоносов ва Менделеевлар русийзабон олимлар бўлмасдан, балки султ мантиқийлик ва структураси содда синтаксисга эга бирор-бир тил вакиллари бўлганларида, бундай интеллектуал-ижодий натижаларга эриша олмасликларини исботлайди. Шунинг учун ҳам, муаллифларнинг фикрича, дунёга машҳур бўлган илм дурдоналари олдинги давр ва ҳозирда ҳам мантиқийлиги юқори ва структураси мураккаб синтаксисга эга бўлган тилларда яратилган.

Бир хил шароитларда яшаб, бир хил монолингвистик муҳитда тарбияланган ва она тили тузилиши мураккаб синтаксисга эга бўлган монолингв (фақат бир тилда гаплашадиган инсон) боланинг ақлий ривожланиши ҳамда ёши улғайган сари интеллектуал жиҳатдан ўсиши она тили содда тузилишли синтаксисга эга бўлган бола ва шахсларнинг ақлий ривожланиши ва интеллектуал ривожланишидан анча устун бўлишини муаллифлар тўпланган факт ва тажрибалар натижалари асосида исботлаганлар. Бу фактлар асосида сўзлашув тили синтаксиси ички мантиқий структурасининг ҳали ўсаётган бола бош мияси ривожланишига таъсири аниқланган. Бу ўринда ҳар бир тил синтактик тузилишининг содда ёки мураккаблиги чақалоқнинг туғилиши билан миясида шаклландиган ва тафаккурининг мантиқийлиги учун жавоб берадиган нейрон-синоптик ўзаро боғланишларга таъсир қилади.

Бу каби лингвистик ва психологик тажрибаларни ўтказишга немис тилшуноси В.Гумбольтнинг лингвистик нисбийлик ҳақидаги қараш ва ғоялари ундади. Олим ва унинг издошлари Э.Сепир ва Б.Уорфларнинг фикрича, ҳар хил тилларда



гаплашувчи одамлар дунёни турлича кўришлари керак ва, демак, ҳар бир тилнинг ўзига хос тафаккур мантиқи мавжуд. В.Гумбольдт таъкидлаганидек, ҳар бир тил - бу халқ ва уни ўраб олган объектив олам ўртасидаги ўзига хос дунёдир.

Юқорида синтаксис структурасининг содда ва мураккаблиги ҳақида айрим фикрларни баён этдик, аммо “синтаксис” термини, унинг моҳияти ва категориялари, тушунчалари ҳақида тўхташни лозим топмадик, чунки шу соҳа мутахассислари ҳамда қизиқувчилар улар билан танишлиги табиий. Замонавий синтаксиснинг ютуқларидан бири-анъанавий тилшуносликнинг кейинги эволюцион босқичи структур-семантик йўналишдир. Бу йўналиш синтактик назариянинг энг яхши анъаналарини авайлаб - асраб келмоқда ва янги ғоялар билан тўлдирмоқда. Структур-семантик йўналишнинг асосий принципларидан бири тил тузилишининг системавийлигидир. Тил ўзаро боғлиқ ва ўзаро муносабатлардан иборат бўлиб, бир бутун системани ташкил қилади ва унда реал борлиғимиз, яъни табиат ва жамият мантиқий боғланишидаги бирор ҳодисанинг тушиб қолиши ёки чиқиб кетиши мумкин эмас. Шунингдек, замонавий синтаксиснинг муҳим ва аҳамиятли томони нарса-предметлар мантиқийлиги билан боғлиқ бўлган синтактик бирликлар ва бошқа бирликларга кўп аспектли ҳодиса сифатида ёндашишдир. Тилнинг ҳамма аспектлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳамда улар мулоқотнинг мантиқийлиги даражасини аниқлайди. Аммо айрим синтаксис структуралари шунчалик содда бўладикки, уларда гаплашишга ўрганган боланинг онгига сингган ҳолатлар акс топган. Шунинг учун кейинчалик бундай бола қанчалик ҳаракат қилмасин, бирор асар ёки маърузаларни она тилида ҳам ўқий олмаслиги мумкин.

В.фон Гумбольдт давридан бошлаб ҳозиргача ақлий-интеллектуал

ривожланиш ва маънавий етукликка етишишда у ёки бу тилнинг таъсири, лингвистик нисбийлик ҳақида олимлар ўртасида мунозаралар бўлиб келмоқда ҳамда миллат болалари характери ва менталитети шаклланишига тилларнинг таъсири мавжудлиги ҳақида ҳар хил фикрлар илгари сурилган. Аммо олимлардан бирортаси, хусусан, файласуфлар, психолог ва лингвистлар бирор марта сўзлашув тиллар синтаксиси структураси тараққиёти, яни содда ёки мураккаблиги даражасининг ҳар қиллиги кейинчалик инсонларнинг маънавий сифатлари ва ақлий-мантиқий қобилиятларига таъсир қилиши ҳақида фикр билдиришмаган ёки бу масалани таҳлил қилиш мақсадида бирор-бир тадқиқот ёки тажрибалар ҳам ўтказишмаган.

Р.Сайфуллаев ва Ф.Убаевалар ўтказган тажрибаларининг амалий аҳамияти ҳақида қуйидаги фикрни қайд этадилар: ота-оналарнинг кўпчилиги болаларини балоғатга етмасдан ёшлигидан ўз она тили билан биргаликда бирор чет тилига ўргатишлари зарур. Бир пайтнинг ўзида она тили ва чет тилини ўргана бошлаган гўдак “бир тилли” болаларга нисбатан ўз ақлий-мантиқий-интеллектуал ривожланиши учун заҳиравий имкониятларга эга бўлади, чунки ҳамма болалар тафаккур юритиши ва интеллектуал ҳаракати учун жавоб берадиган бош мия марказлари тил синтаксис структураси таъсирида шаклланади ва ривожланади. Фақат туғилганининг илк давридан бошлаб 6-7 ёшгача бу таъсир мавжуд бўлиб, кейинчалик хоҳлаган чет тилини ўрганиши мумкин, аммо бу ҳолда унинг тафаккури ва интеллект ривожланмай, фақатгина хотираси ривожланади, чунки бу даврга келиб кежакда унинг бу қобилияти учун жавоб берувчи нейрон алоқаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўхтайд.

Олимлар “Ф.С.Убаеванинг монолингвистик эффекти” деб номлашган бу кашфиётларининг қуйидаги шарҳини



тақдим этганлар: фақат ўз она тили монолингвистик муҳитида тил ўрганган ва келажакда ўзининг умумий улуғланиши ва жинсий етукликка етганида, одатда, ҳамиша ўз ақлий ва маънавий ривожланишида орқада қолади ҳамда ақлий жиҳатдан нисбатан ривожланмаган бола бўлиб етишади.

Гўдаклигидан она тилидан ташқари яна бир бошқа тилда сўзлашиш кўникмасини эгаллаган боланинг эса, бир

хил шароитда ўсишига қарамасдан, интеллектуал фаолият қобилияти бирмунча юқори даражада ривож топади. Машҳур рус тилшуноси Л.В. Шчерба бир пайтлар қайд этганидек, чет тилини ўрганаётган инсон ҳақиқий билингвга айланганидан сўнг унинг “таффақури оддий лисоний қобик қамровидан қутулиб чиқади.” Демак, мамлакатимизда хорижий тил таълимига берилаётган эътибор бекорга эмас

Адабиётлар

1. Выготский Л.С. Мышление и речь. -М., 1966.
2. Леонтьев А.А. Язык, речь и речевая деятельность. -М., 1969.
3. Лурия А.Р. Речь и интеллект в развитие ребёнка. -М., 1928.
4. Мельникова А.А. Язык и национальный характер. СПб., 2003.
5. Пиаже Ж. Речь и мышление ребёнка. -М.:/1994.
6. Сайфуллаева Р.Р., Сайфуллаев Ш.Р. и др. Генезис речи и происхождение языков, в 3-х томах, СПб., 2010-11.

Сайфуллаева Р., Сайфуллаев Ш. О монолингвистическом эффекте Ф. Убаевой. Рассмотрен вопрос влияния простоты или сложности структуры синтаксиса любого языка на интеллектуальное развитие мышления ребёнка.

Sayfullayeva R., Sayfullayev Sh. On monolingual effect by F. Ubaeva. This article is about peculiarities of the influence of syntactical structure of a language on intellectual development of the child.



ОЗАРБАЙЖОН ШОИРИ СОДИҚИЙ ИЖОДИДА АЛИШЕР НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ

Султонов Тўлқин,

СамДЧТИ катта илмий ходим-изланувчиси

Калим сўзлар: *Мажолис ун-нафоис, Мажмаъ ул-ҳавос, Тухфаи Сомий, Гулшан уш-шуаро, Оташкада, Тазкират уш-шуаро.*

Ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари узоқ тарихга эга бўлса-да, бу муносабатлар, айниқса, XV асрда Алишер Навоий даврида юксак чўққисига чиқди. Навоий асарларидан ижодий илҳомланган ҳолда Нейматуллоҳ Кишварий, Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий, Содикбек Афшор Содикқий ва бошқа юзлаб шоирлар навоиёна услубни давом эттириб, назира ғазаллар битишган. Хусусан, «Мажолис ун-нафоис» таъсирида озарбайжон адабиётида XVI-XVIII асрларда Сом Мирзо Сомийнинг «Тухфаи Сомий», Аҳдий Бағдодийнинг «Гулшан уш-шуаро», Содикбек Афшор Содикқийнинг «Мажмаъ ул-ҳавос», Лутфалибек Озарнинг «Оташкада» тазкиралари яратилди.

Шундай экан, Алишер Навоий ижоди ва адабий анъаналарининг оламшумул аҳамиятини чуқурроқ тадқиқ этиш мақсадида озарбайжон ижодкори Содикбек Афшор Содикқий томонидан ўзбек шоирининг «Мажолис ун-нафоис» асаридан илҳомланган ҳолда ёзилган «Мажмаъ ул-ҳавос» тазкирасини ўзаро қиёслаб, муштарак ҳамда фарқли жиҳатларини тадқиқ этиш айни муддаодир.

Озарбайжонлик содиқийшунос олима Мантиқа Муродованинг эътироф этишича, «Содиқий энг кўп Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридан таъсирланган ва унга мувофиқ тарзда саккиз бўлимдан иборат тазкира ёзиб, «Мажмаъ ул-ҳавос» дея ном берган»²⁴.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари XIV-XV аср форсигўй ва туркигўй шоирларини, шеърятини ўрганувчи туркий тилдаги илк тазкира бўлса, Содикқий китобдорнинг «Мажмаъ ул-ҳавос»и XVI аср ижодкорлари ҳаёти ва асарларини тадқиқ этишга бағишланган иккинчи муҳим манбадир. Бу хусусда тадқиқотлар олиб борган ўзбек олимаси Раъно Қобулова Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»и ва Содикқийнинг «Мажмаъ ул-ҳавос»и орасидаги муштараклик тазкираларнинг номларидагина эмас, балки тил ва асар тузилиши жиҳатдан ҳам яқинлигида эканлигини номзодлик диссертациясида аниқ далиллар орқали исботлаган²⁵.

Содиқийнинг «Мажмаъ ул-ҳавос» тазкираси тахминан 1597-1598 йилларда ёзилган бўлиб, шоҳ Исмоил I ҳукмронлиги даврида Эрон, Озарбайжон, Ўрта Осиё, Туркия, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон худудларида форс-тожик ва туркий тилларда ижод қилган шоирларни дунё аҳлига танитиш ҳамда уларнинг асарларини ўрганишга эътибор қаратилиши билан аҳамиятлидир. Ушбу асар соф туркий тилда ёзилган бўлиб, муқаддима, 369 шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи саккиз мажмаъ ҳамда хотимадан иборат.

Содиқий ўз асарининг муқаддима қисмида Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг

²⁴ Muradova Məntiqə. Sadiq bəy Sadiqinin həyat və yaradıcılığı. – Bakı: Elm, 1999. s.42.

²⁵ Кабулова Раъно. Традиции «Маджалис ун-нафаис» Алишера Навои в тюркоязычной литературе (на материале антологии Садиббека Садики «Маджма ул-хавас»). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Ташкент, 1979.



«Мажолис ун-нафоис», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Сом Мирзонинг «Тухфаи Сомий» тазкираларини юксак эҳтиром билан тилга олиб, мазкур анъанани давом эттирганлигини, «Мажолис ун-нафоис» услубида тазкира ёзганлигини қайд этади²⁶.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарини кўздан кечирганимизда, кириш қисмида шеърий жанрлар учрамаслиги кузатилди. Содиқийнинг «Мажмаъ ул-ҳавос» тазкираси муқаддимасида эса, шоир қаламига мансуб 10 байтли маснавий, 2 та рубоий, 5 байтли китъа, шоҳ Аббоснинг форс тилидаги 3 байтли «дорам» радифли ғазали, туркий тилдаги рубоийси ва форсча таржимаси келтирилган. Жумладан, «Мажмаъ ул-ҳавос»нинг муқаддимасини Содиқий Аллоҳга мурожаат этишдан (**нидо санъати**) бошлаб, ундан шоирнинг қуёшга ўхшаш каломига жаҳонга зеб бера олиш (**ғулуъ санъати**) истеъдодини ато этишини сўрайди. Шунингдек, най каби нолакор ошиқ кўнглини иломий каломи ила дарё сингари тошқин айлашини, яъни шоир дилига Яратганни тоабод ҳамд этиш (**интоқ санъати**) саодатини бахш этишини илтижо қилади:

Ҳа раб, сәдәфи-тәб'ими гөvhәрза қил,
Хуршид кәламимни сәһанара қил.
Көnlüm neydir, şәkkәрin ilә dәryа қил,
Үәni dilmi һәмdin ilә гуya қил²⁷.

Ўзбек тилидаги матн:

Ё Раб, садафи таъбимни гавҳарзо қил,
Хуршид каломимни жаҳоноро қил.
Кўнглум найдир, шаккаринг ила дарё

қил,

Яъни дилим ҳамдинг ила гўё қил²⁸.

«Мажолис ун-нафоис»нинг «Аввалги мажлиси»и «Жамоати маҳодим ва азизлар зикридаким, бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим ва мулозиматлари шарафига мушарраф

бўлмадим»²⁹ деган жумлалар билан таснифланган бўлиб, ҳазрат Навоий ўз тазкирасини «табаррук қилмоқ учун» шайхлардан Хожа Қосим Анвор зикри билан бошлаганини таъкидлайди. Ушбу мажлисда Навоий ўзидан олдин яшаган 46 нафар ижодкорнинг ҳаёт йўли ҳамда асарларини таърифлаб, ижодидан гўзал намуналар келтиради. Навоий юнон, араб, форс ва туркий тилларда қалам тебратган, тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси бўлган Қосим Анворни юксак эҳтиром билан тилга олиб, уч-тўрт ёшлигида унинг ижодидан ёд олган машҳур байтини фахр ила ёдга олади:

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,

Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок.

Ўзбек тилидаги матн:

Риндмиз, ошиқмиз, жаҳон ўртовчилар ва ёқавайронлармиз.

Сенинг ғаминг турганда дунё ғамини чекишдан не фойда?!³⁰

Бу байтдаги «ринд» сўзининг таърифи «Ғиёс ул-луғат»да «шариат қоидаларини жоҳиллик юзасидан эмас, онгли суратда инкор қилувчи одам», деб берилади. Тасаввуф истилоҳотида эса, «ринд» барча бойлик, лавозим, зоҳирий илтифоту мулозиматлардан ўзини йироқ ташлаб, олам ва одамнинг энг юксалган поясида ўзини озод сезувчи ҳур фикрли инсонни англатади. Тазкирада мазкур байтнинг намуна сифатида келтирилиши Навоийнинг болаликданок ҳур фикрли инсон бўлишга интиланлиги ва комиллик босқичларини босиб ўтишга нисбатан руҳиятида кучли истак бўлганлигидан дарак беради.

Содиқий эса «Мажмаъ ул-ҳавос» тазкирасининг дастлабки қисмини «Аввалги мажмаъ» дея атаб, унга «Ҳозирги подшоҳлар ҳақида» сарлавҳасини қўйган. Ўзбек шоири ўз асарининг илк мажлисида зикр этилган

²⁶ Sadiq Bəy Əfşar. «Məcməül-Xəvas» (tərcümə, müqayisəli mətn). Nəşrə hazırlayan: Əkrəm Bağırov. – Bakı: Elm, 2008. s.13.

²⁷ Шу асар, 13-бет.

²⁸ Таржима бизники – Т.Султонов.

²⁹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ҷн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. 5-бет.

³⁰ Шу асар, 209-бет.



зотлар хизматидан бебахралигини ўкинч билан эътироф этган бўлса, озарбайжон ижодкори биринчи мажмаъда таърифи келтирилган давлат арбоблари билан шахсан учрашиб, суҳбатидан бахраманд бўлганлигини фахр-ла тилга олади.

Жумладан, «Аввалги мажмаъ»да Содикий шоҳ ва шоир бобокалонимиз Захириддин Муҳаммад Бобурнинг севимли ўғли Хумоюн мирзога хос юксак инсоний фазилатлар, унинг шеъриятга бўлган муҳаббати ҳақида тўхталиб, туркий тилда битган машҳур шеърларидан намуна келтиради:

«Humayun padşah – Böyük səxavət və kəramət sahibi olan incə zövqlü bir padşah idi. Mülayim şeir təbinə malik idi. Türkcə yazdığı bu iki beyti çox məşhurdur:

Нəзн:

Qəriblik qəmidən möhnətü mələlim bar,

Bu qəmdən ölümqə yetdim qərib halım bar.

Vüsali-dövlətidən ayrılıb məni-məhzun,

Tirinməni bu tirinlikdən infialım bar³¹».

Ўзбек тилидаги матн:

«Хумоюн буюк саховат ва кароматга эга нозик завқли подшоҳ бўлиб, нафис ашъор битиш истеъдодига соҳиб эди. Туркий тилда ёзган мазкур икки байти жуда машҳурдир:

Шеър:

Ғариблик ғамидан меҳнату малолим бор,

Бу ғамдан ўлимга етдим, ғариб ҳолим бор.

Висоли давлатидан айрилиб мани маҳзун,

Тирикману бу тирикликдан инфиолим бор³²».

Хумоюн шоҳнинг юқоридаги рубоийсида Ватан соғинчи, она диёрни қўмсаш мавзуси етакчилик қилади. Унинг учун ғариблик – Ватандан узоқда бўлиш,

меҳнат – юрт соғинчи туфайли азоб тортиш, ғам – мусофирликда дард чекиш, висол – Ватанга етишишдир.

«Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг «Иккинчи мажлиси»и шоирнинг болалик ва йигитлик пайтларида суҳбатида бўлган шоирлар ҳақидаги ноёб маълумотлар келтирилиши туфайли бебаҳолик хусусиятини касб этган. Бунда Навоий Мавлоно Лутфий ижодига жуда юқори баҳо бериб, уни «ўз замонининг малик ул-каломи» дейди ва шеъриятдаги нуфузини қуйидагича таърифлайди:

«Мавлоно Лутфий (алайҳирраҳма) – ўз замонининг малик ул-каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда, шуҳрати қўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдур ва мутааззир ул жавоб матлаълари бор, ул жумладин бири будурким:

Нозуклук ичра белича йўқ тори гусуйи,

Ўз ҳаддини билиб, белидин ўлтирур қуйи³³».

Алишер Навоийнинг тазкиранавислик услуби самимий танқид ва ҳаққоний баҳони холисона фикрлар орқали ифодалашга асосланиши билан характерлидир. Шоирнинг фикрича, Лутфий таржима қилган «Зафарнома» асаридаги 10 минг байтдан ортиқ маснавий баёзга ёзилмаганлиги, яъни шеърий тўпламга киритилмаганлиги сабабли унчалик машҳур бўлмади. Лекин у салафларнинг форсий тилда битган мураккаб қасидаларига муносиб жавоб ёза олган:

«Ва Мавлононинг (Лутфийнинг) «Зафарнома» таржимасида ўн минг байтдин ортуқроқ маснавийси бор, баёзга ёзмагон учун, шуҳрат тутмади ва лекин форсийда қасидагўй устодлардин қўпининг мушукул шеърларига жавоб айтибдур ва яхши айтибдур³⁴».

Содикий тазкирасининг «Иккинчи мажмаъ»си шеъриятга ихлоси баланд,

³¹ Sadiq Bəy Əfşar. «Məcməül-Xəvas» (tərcümə, müqayisəli mətn). Nəşrə hazırlayan: Əkrəm Vağırov. – Bakı: Elm, 2008. s.23-24.

³² Таржима бизники – Т.Султонов.

³³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. 56-бет.

³⁴ Шу асар, 56-бет.



сиёсий фаолият билан биргаликда назм бахридан марваридлар терган ижодкор шахзодалар ҳақидаги хотиралар акс этганлиги билан «Мажолис ун-нафоис»дан фарқ қилади. Бу қисмдаги тавсифлар ҳамсуҳбат шоир тилидан содда, равон ҳамда реалистик услубда баён этилганлиги билан характерлидир:

«Sam Mirza – Bu shahzadā da mārhum shahin (I Shah Təhmasib, № 1) kiçik qardaşı idi. Euş-ışrəti sevirdi. Müxtəlif nəzm və nəsr növlərində şux və möhkəm təbi olub. Təhfeyi-Sami adlı bir şairlər təzkirəsi yazdı. Axirda Şəyx Səfiəddin məqbərəsinə çekilib şairliklə məşğul oldu»³⁵.

Ўзбек тилидаги матн:

«Сом Мирзо – Бу шахзода ҳам марҳум шохнинг (шоҳ Таҳмасп I)нинг кичик укаси бўлиб, айш-ишратни севарди. У назм ва насрнинг турли жанрларида ўйноқи ҳамда таъсирчан асарлар битиб, «Тухфаи Сомий» номли шоирлар тазкирасини ёзди. Умрининг охирида Шайх Сайфиддин мақбарасига узлатга чекиниб, шоирлик билан машғул бўлди».

«Мажолис ун-нафоис»нинг «Учинчи мажлиси»да ўз даври шеъриятига улкан ҳисса қўшган юксак таъбли 174 нафар шоир зикр этилади. Мажлисида, шунингдек, Амир Шайхим Сухайлий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Осафий Ҳиравий каби қалам аҳллари, муаммо ва аруз илмига доир рисола ёзган ижодкор Сайфий Бухорий ҳамда Камолиддин Биноий, Гадоийдек соҳиби девон шоирлар ҳақидаги таърифлар ҳам келтирилади.

Содиқий «Мажмаъ ул-ҳавос»нинг «Салтанат устуни бўлган турклар ҳақида» деб номланган «Учинчи мажмаъ»сида илк туркий тазкиранинг айни мажлисига муштарак ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Озарбайжон шоирининг тазкирасида ҳам туркий халқлар орасида машҳур шоирларнинг қаламга олиниши асарнинг «Мажолис ун-нафоис»га ўхшашлик томони бўлса, ижодкорларнинг шоҳлар

авлодидан эканлиги «Мажмаъ ул-ҳавос»нинг фарқли хусусияти ҳисобланади.

Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг «Тўртинчи мажлиси»ни шеър ёзишда у қадар машҳур бўлмаган, аммо латиф ва гўзал ашъор битган Хожа Камолиддин Удий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мирхонд, Хондамир, Султон Али Машҳадий сингари аср фозиллари ҳақидаги маълумотлар билан безаган бўлса, Содиқбек Афшор Содиқий «Мажмаъ ул-ҳавос»нинг «Тўртинчи мажмаъ»сини «Мажолис ун-нафоис»дан фарқли равишда «Салтанат устуни бўлган тозиклар (эронийлар) ҳақида» деб номлаган. Озарбайжон шоири ушбу қисмда аср фозиллари эмас, балки 33 нафар давлат ва дин арбобининг ҳаёт йўли ҳақида тўхталиб, уларнинг форс-тожик тилида битган шеърларидан парчалар келтирган.

Жумладан, «Тўртинчи мажлиси»да Алишер Навоий Абдурахмон Жомийнинг «ёруғ хотири», «очиқ кўнгли», «латойифи назми»га жуда юксак баҳо бериб, унинг қаламига мансуб китоблар номи ёзилган чоғда варақларга сиғмай кетиши, дурдек асарлари тилга олинган пайтда дунё денгизлари у сабабли тошишини гўзал **ташбеҳ** ҳамда **ғулуъ** санъатлари воситасида тасвирлаган бўлса, Содиқий «Тўртинчи мажмаъ»да Язд ҳокими Муҳаммадбей (Амоний)нинг ботиний ва зоҳирий олами, истеъдоди хусусида фикр билдириб, унинг мажлисларида шеърларини тинглашдан файз олганлигини фахр билан қайд этган.

«Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг «Бешинчи мажлиси»и Хуросоннинг «таъби назми бор» мирзозодалари зикрида бўлиб, Давлатшоҳ Самарқандий таърифи билан бошланади. Алишер Навоий Давлатшоҳнинг ҳашам ва мол-дунёдан воз кечиб, фақрлик йўлини тутганлигини эътироф этар экан, унинг «Мажмаъ уш-шуаро» («Газкират уш-шуаро») асарини мутолаа қилган шахс шоирнинг истеъдоди ва камолоти қай

³⁵ Sadiq Bəy Əfşar. «Məcməül-Xəvas» (tərcümə, müqayisəli mətn). Nəşrə hazırlayan: Əkrəm Bağırov. – Bakı: Elm, 2008. s.34.



даражада эканлигидан хабар топади, деган юксак баҳони билдиради.

Содиқий тазкирасининг «Бешинчи мажмаъ»си «Мажолис ун-нафоис»нинг худди шу мажлисига ғоя ва мавзу жиҳатдан ўхшайди. Бунда озарбайжон шоири салтанат устуни бўлган нозиктаъб турклар ва тозик(эроний)ларнинг буюк авлодларидан 15 нафарининг суратию сийрати хусусидаги адабий-танқидий фикрларини ифодалаган. Жумладан, Кирмон ҳокими Шохқули Султоннинг ўғли Муродбек ҳақида тўхталиб, «фалакнинг тескари ишлари оқибатида тирёкка ружуъ қўйганлигидан салтанат ишини тарк этиб, қошиқ йўниш билан машғул эди», дейишидан жасоратли ва ҳақ сўзни айтишдан чўчимайдиган ижодкор бўлганлигини англаш мумкин.

«Мажолис ун-нафоис»нинг «Олтинчи мажлис»ида Самарқанд, Хоразм, Қарши, Бадахшон, Ҳисор, Қазвин, Сова, Кирмон, Ироқ, Қум, Лор, Язд, Шероз каби Хуросондан ташқарида жойлашган шаҳар ва вилоятлар соҳиби девон фозиллар ҳақида сўз юритилади. Ушбу мажлис бежиз Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек таърифи билан очилмаган. Чунки, у «Вафойи» таҳаллуси билан шеърлар битган, Ҳиротда ва Самарқандда адолатли ҳукм юритган, «сурати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атвори писандида», жангчиликда кучли шижоат ҳамда ботирликка эга бўлиб, таъби бағоят хуб ва назмга кўп илтифотлидир.

Гирифти жони ман аз тан ба зулфи пуршикан, бастаи,

Кушоди парда аз рухсори хешу чашми ман бастаи.

Ўзбек тилидаги матн:

Танимдан жонимни олиб кўп занжирли сочинг билан боғладинг,

Юзингдан пардани очиб (у билан) кўзимни боғладинг³⁶.

Ушбу қўшмисрада *муболаганинг ақл ишонадиган ва ҳаётда юз берадиган*

тури – **таблиғ** (юздаги парда билан кўзни боғлаш) ҳамда *ақлга сигмайдиган ва ҳаётда сира учрамайдиган* тури – **ғулуъ** (тандан жонни олиб, занжирли соч билан боғлаш) санъатларининг қўлланилганлиги Аҳмад Ҳожибекнинг юксак шоирона маҳоратга эга бўлганлигидан далолат беради.

Содиқийнинг туркий тазкиранависликка киритган янгилиги шундаки, у «Мажмаъ ул-ҳавос»нинг «Олтинчи мажмаъ»сини «Пайғамбар наслдан бўлган шоирлар ҳақида» дея номлаб, унда Нишопур, Қум, Язд, Ҳамадон, Сабзавор, Тафриш, Заввора, Табриз, Ўрдубод, Саркон, Астробод, Лаҳижан, Симнон, Артимон, Кошон, Ироқ, Кирмонда истикомат қилган набий авлодига мансуб қаламкашларнинг шоирлик истеъдоди ва бадиий маҳорати хусусидаги ноёб таърифларни келтирган.

«Мажолис ун-нафоис»нинг «Еттинчи мажлис»и Амир Темур ва темурий ижодкорлар зикрига бағишланган бўлиб, унда Соҳибқирондан бошлаб Султон Али Мирзогача жаами 22 нафар темурий шоир ҳақида сўз боради.

Ушбу мажлисда Навоий Амир Темур шахсияти ва фаолиятига юксак баҳо бериб, уни «мулук шажарларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳокони жаҳонгири соҳибқирон», дея улуғлайди. Мажлисни шоир Темур номи билан очар экан, сўзни жойи келганда назм ва насрдан бирор нарса ўқиб, адабиёт соҳасидан бохабар эканлигини намойиш эта билганлигидан бошлайди: *«Темур Кўрагон – агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқугони минг яхши байт айтқонча бор»*³⁷.

Содиқий «Мажмаъ ул-ҳавос»ининг «Еттинчи мажмаъ»си туркий, форсий ва арабий тилларда сўз айтмоқ кудратига эга бўлиб, Арабу Ажам мамлакатларида шуҳрат топган шоирларга

³⁶ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йиғирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. 286-бет.

³⁷ Шу асар, 155-бет.



бағишланганлиги билан ажралиб туради. Мазкур мажмаъ Мавлоно Фузулий ҳақидаги таъриф билан бошланиб, «Маҳмуд ва Аёз» маснавийсини ёзган Ёлқулибек Шомли(Анисий), соҳиби девон Қосимбек Ҳолатий, Мавлоно Шоний, Пирқулибек, «Юсуф ва Зулайхо» достонига татаббуъ боғлаган Маҳмудбек Салим, «малик уш-шуаро» Нижоти Румий, мусиқа илмига доир рисола битган Дуррабек Каромий, туркона шеър айтган Маволий Туркман, Тайҳойибек сингари ижодкорлар зикри орқали давом эттирилади.

Алишер Навоий қаламига мансуб «Мажолис ун-нафоис» асарининг «Саккизинчи мажлиси»да «фасоҳат илмининг нукта бирла сеҳрсози ва балоғат жаҳонининг диққат била мўъжиза пардози» – Султон ус-салотин Абдулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон девонидаги араб алифбоси ҳарфлари билан яқунланадиган қофия ҳамда радифга эга ғазалларнинг матлаъ байтлари вазн, мазмун ва шеърий санъатлар нуктаи назаридан таҳлил қилинганлиги Навоийнинг адабий танқиддан унумли фойдалана олган илми дарё олим бўлганлигидан ҳам далолат беради.

Навоий Ҳусайн Бойқаронинг мурувватлилиги ва баҳодирлигини Рустамга, ҳам шоирликда, ҳам саховатда Ҳотамга ўхшатади. Шоир болаликдан яқин дўсти ва сирдоши бўлган зотга нисбатан юксак эҳтироми, самимий тилақларини туркона назм воситасида қуйидагича ифода этган:

«Ким, мулки давоми то қиёмат бўлсун,

Зотиға бу мулк узра иқомат бўлсун,

Адл ичра тарийқи истиқомат бўлсун,

Олам аҳли учун саломат бўлсун»³⁸.

«Мажмаъ ул-ҳавос»нинг якуний мажмаъси Навоий тазкирасининг сўнгги мажлисидан тубдан фарқ қилади. Навоий

«Саккизинчи мажлиси»ни Ҳусайн Бойқаро таърифи ва шеърятти таҳлилига бағишлаган бўлса, Содиқий «Саккизинчи мажмаъ»да Ажамнинг ўша даврдаги Хўжа Ҳофиз Шерозий услубида девон битган Мавлоно Замири Исфаҳоний, 16 жилд асар ёзган Машҳадий, «Шоирлар тазкираси» муаллифи Мавлоно Тўвфий, етти тилда қасида ёзган шоир Ҳофиз Сабуний, ўзбек хони Абдуллахоннинг китобдори Мавлоно Мушфиқий, Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг «Бўстон» асарига татаббуъ боғлаган Мавлоно Жалол Сипехрий, Камолиддин Бехзоднинг шогирди Хўжа Абдулазиз Наққош, ҳофизии Қуръон Мавлоно Фароқий каби 223 нафар фасоҳат ва балоғат соҳибларини зикр этган.

Жумладан, «Саккизинчи мажмаъ»да Содиқий хуросонлик шоир Айюб ибн Абулбарака ҳақида қуйидаги фикрларни баён этган:

«Әyyub – Xorasanlıdır. Әbülbәрәkә oғludur. Әmiri-Kәbir Әmir Әlişir öz «Mәcalis ün-Nәvais» kitabında onun haqqında yazır ki, «o qәdәр zatı qırıq vә sarsaq idi ki, Xorasan әhli onun әlindән qaçıb çöllәрә düşdüler». Bu bәyti onun haqqında deyiblәр:

Şeir:

Dive-şeytansefät Әbülbәрәkә,

Bad cayät be һәftomin dәрәkә.

Lakin oғlu öz әksi olaraq мәclis yaraşığı vә şuxtәbiät bir adam idi. Ustadımız mәрhum Mir Sün'i (№ 80) ilә çox yaxın idilər.»³⁹

Ўзбек тилидаги матн:

«Айюб – хуросонликдир. Абулбараканинг ўғлидир. Амири кабир амир Алишер ўз «Мажолис ун-нафоис» китобида у ҳақида ёзаркан, «шу қадар зоти паст ва аҳмоқ эдики, Хуросон аҳли унинг дастидан қочиб чўлларга кетдилар», деган. Ушбу байтни у ҳақида айтганлар:

Шеър:

Деви шайтонсифат Абулбарака,

Бод жоят ба ҳафтумин дарака.

Ўзбек тилидаги матн:

³⁸ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йнгирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. 166-бет.

³⁹ Sadiq Bəy Əfşar. «Məcmül-Xəvas» (tərcümə, müqayisəli mətn). Nəşrə hazırlayan: Əkrəm Bağırov. – Bakı: Elm, 2008. s.351-352.



Шайтонсифат дев Абулбараканинг жойи етгинчи дўзах бўлсин!⁴⁰

Лекин ўғли унинг тескариси сифатида мажлисга тароват бағишловчи ва шўх табиатли киши эди. Марҳум устозим Мир Сунъий билан жуда яхши эдилар.

Содикий «Мажмаъ ул-ҳавос»нинг «Саккизинчи мажмаъ»сидаги 369-шоир Айюб ҳақида гапирганда, бу ижодкорнинг отаси Абулбарака хусусидаги маълумот Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида ҳам келтирилганлигини қайд этган. Дарҳақиқат, «Мажолис ун-нафоис»ни кўздан кечирганимизда, асарнинг «Олтинчи мажлис»ида Абулбарака исми мавжудлиги кузатилди. У ҳақда нозик дид эгалари томонидан айtilган «Деви шайтон сифат Абулбарака, Бод жояш ба ҳафтуми даргга»⁴¹ байти ҳам Навоий томонидан келтирилган. Абулбарака ҳақидаги таърифнинг «Мажолис ун-нафоис» ва «Мажмаъ ул-ҳавос» асарларида учраши ҳақидаги фактга таяниб, Абулбаракани мазкур тазкираларнинг ҳар иккисидан зикр этилган муштарак шахс сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси ва ундан адабий таъсирланган ҳолда озарбайжон шоири Содикий томонидан битилган «Мажмаъ ул-ҳавос» асарининг ғоявий-бадий, шунингдек, асар тузилиши жиҳатдан қилинган муқоясасидан хулоса қиладиган бўлсак, «Мажолис ун-нафоис» кириш, 8 мажлис ва хилватдан иборат бўлиб, унда Шарқ адабиётшунослигидаги тазкирачилик ҳамда бирор-бир шоир шеърларига шарҳ ёзиш (жумладан, 8-мажлисда Ҳусайн Бойқаро шеърятига ёзилган шарҳ) анъаналари мавжуд. «Мажмаъ ул-ҳавос» эса, муқаддима, 8 мажмаъ ва хотимадан ташкил топган бўлиб, унда фақат тазкирачилик анъанаси учрайди.

«Мажолис ун-нафоис» билан «Мажмаъ ул-ҳавос»даги мажлис ва мажмаъларда тасвирланган шоирлар таснифи жойлашиш тартиби жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Навоий давр подшоҳи Ҳусайн Бойқаро учун «Саккизинчи мажлис»ни бағишлаган бўлса, Содикий «Биринчи мажмаъ»да ўша асрдаги туркий мамлакатларнинг энг машҳур шоҳлари таърифни келтирган. Навоийда «Еттинчи мажлис»дан ўрин олган султон ва шаҳзода ижодкорлар Содикийда «Биринчи мажмаъда», «Бешинчи мажлис»да тасвирланган мирзозодалар Содикбекда «Иккинчи мажмаъ»да берилган.

Олим шоирлар «Мажолис ун-нафоис»да «Тўртинчи мажлис»да, «Мажмаъ ул-ҳавос»да эса, учинчи, тўртинчи ва бешинчи мажмаълардадир. Навоийнинг «Олтинчи мажлис»ида Хуросондан ташқарида яшаган шоирларга муқобил тарзда Содикий «Еттинчи мажмаъ»да Араб ва Ажам мамлакатларидаги ижодкорларни жойлаштирган. «Мажолис ун-нафоис»да биринчи, иккинчи ва учинчи мамжлисларда ҳаётлари нақл қилинган аввал вафот этган, ўша даврдаги ҳамда ҳали ёш шоирлар «Мажмаъ ул-ҳавос»да «Саккизинчи мажмаъ»да тасвир этилган.

«Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг «Хилват» қисмида Ҳусайн Бойқаронинг нозик шеършунослигидан далолат берувчи 2 ҳаётий ҳикоят ва Навоий қаламига мансуб 2 якуний рубоий келтирилган бўлса, «Мажмаъ ул-ҳавос»нинг «Хотима» қисмида муаллиф томонидан битилган 19 байтли шеър, 22 байтли қасида, «Аббоснома»дан 20 байт парча, Жаҳонбони Сафий Мирзонинг 2 байтли таърихи ва китобнинг хатми ҳақидаги қитъа ўрин олган.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасидан адабий таъсирланган ҳолда Содикбек Афшор Содикий томонидан ёзилган «Мажмаъ ул-ҳавос» асари озарбайжон тилида ёзилган юксак санъат намунаси бўлиб, XVI-XVII

⁴⁰ Таржима бизники – Т.Султонов.

⁴¹ Алишер Навоий. Муқамал асарлар тўплами. Йнгирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. 144-бет.



асрлар туркий халклар мумтоз адабиётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – 300 б.
2. Алишер Навоий: қомусий луғат. Иккинчи жилд. Т-Ҳ. – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2016. – 500 бет.
3. Кабулова Раъно. Традиции «Маджалис ун-нафаис» Алишера Навои в тюркоязычной литературе (на материале антологии Садиббека Садики «Маджма ул-хавас»). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Ташкент, 1979.
4. Muradova Məntiqə. Sadiq bəy Sadiqinin həyat və yaradıcılığı. – Bakı: Elm, 1999. – 256 s.
5. Münevver Tekcan. Sadikî Afşar'ın Mecma'ul-Havâs'ı: Çağatay Türkçesinde yazılmış Şâirler Tezkiresi. // Turkish Studies International Periodical For the Languages, Literature and History of Turkish or Turkic, Volume 8/13. – Ankara-Turkey, Fall 2013, p.169-178.
6. Sadiq Bəy Əfşar. «Məcməül-Xəvas» (tərcümə, müqayisəli mətn). Nəşrə hazırlayan: Əkrəm Bağırov. – Bakı: Elm, 2008. – 412 s.
7. Vüsale Musalı. Azərbaycan təzkirələrinin təsnifatı: dili, strukturu, əhatə etdiyi coğrafiya və dövr. // Turkish Studies International Periodical For the Languages, Literature and History of Turkish or Turkic, Volume 8/13. – Ankara-Turkey, Fall 2013, p.351-364.

Sultonov T. Alisher Navai's traditions in Azerbaijani poet Sadiki's works. The article provides the analysis of idea and artistic characteristics of tazkir by Azerbaijani poet Sodikbek Afshar Sodiki «Majma ul-khavos» on the life and works of 369 poets, inspired by Alisher Navoi's «Majolis un-nafois».

Султонов Т. Традиции Алишера Навои в творчестве азербайджанского поэта Садики. В статье проводится идейно-художественный анализ работы (тазкира) азербайджанского поэта Содикбек Афшора Содики «Мажма ул-хавос» о жизни и творчестве 369 поэтов, созданной под впечатлением от тазкира Алишера Навои «Мажолис ун-нафоис».



СЎЗ БИРИКМАСИ ОРҚАЛИ ШАКЛЛАНГАН МЕТАНОМИК ҚЎШМА ТЕРМИНЛАР

Мирсанов Бобомурод Муҳаммадиевич,

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти катта ўқитувчиси

Калит сўзлар: термин, урғу, эллипсис, компонент, элемент, бош бўлак, сифатловчи, сифатланмиш, метаномия.

Қўшма терминларнинг муайян қисми сўз бирикмалари орқали ҳам шаклланади. А.Ғулумнинг қайд этишича, “Сўз бирикмаси қўшма сўзга айланганда, ундаги элементларнинг орасидаги алоқа йўқолади: уларнинг бири иккинчисини аниқламайди. Қўшма сўзнинг составидаги ўзаклар якка-якка олинганда, ҳар бири айрим урғуга эга бўлади, лекин қўшма сўз одатда бир бош урғуга эга бўлади: лекин қўшма сўз одатда бир бош урғуга эга бўлади:”

Агар бу жараёнга эллипсис ҳодисаси ҳам аралашадиган бўлса, қўшма сўзнинг шаклланиши янада мураккаблашади. Чунки сўз бирикмаси уч ва ундан ортиқ элементлардан тузилган бўлса, сўз бирикмаси тобе компонентга айланиб, ҳоким компонентга боғланган бўлади. Эллипсисга асосланган ана шу ҳоким компонент учрайди. Бу эса, ўз навбатида, сақланиб қолган компонентга ҳам ўзгариш киритиши мумкин. Буни биргина мисол билан далиллашга ҳаракат қиламиз:

Марказий ва Жанубий Америкада карпсимонларга мансуб бир балиқ уруғига *тўрткўз* номи берилган. Аслида унинг юзага келиш жараёни *тўрт кўзли балиқ* ёки *тўртта кўзга эга бўлган балиқ* сўз бирикмалари билан боғлиқдир. Нутқнинг иқтисод принципи таъсирида эллипсис юз бериб, дастлабки босқичда *тўрткўз балиқ* шаклини олган, иккинчи босқичда асосий бош бўлак *балиқ* компонент ҳам инсон зехнида қолиб, у ҳам қисқариб кетган. Оқибатда *тўрткўз* термини шаклланган. Энди энциклопедик таърифни келтирамиз:

Тўрткўз – тишли карплар туркумининг бир уруғи ... Бўйи 15-30 сантиметрча бўлади. Жағларида тишлари бор. Сув бетида яшашга мослашганлиги учун кўзи эпителиал тўсқич билан икки тенг қисмга бўлинган. Кўзининг сувдан чиқиб турган устки қисми ҳавода кўришга, остки қисми эса сувда кўришга мослашган. Шу туфайли у айни маҳалда ҳам сув устидаги, ҳам сув остидаги душманларини кузатиб туради... (ЗЭ, Балиқлар ..., 224).

Таърифнинг ўзида номнинг мотивлашуви ҳам аёнлашган.

Бурмабўйин – қизилиштонлар оиласига киради. Европа, Осиё ва Африкада тарқалган... У ўрмон қуши бўлиб, ҳар хил типдаги ўрмонларда, тоғ ва паркларда яшайди ... У бирон нарсдан қўрқса, боши билан бўйинини парма қилиб буради, шунинг учун унга бурма бўйин деб ном берилган (ЗЭ, Қушлар, 16-17 бетлар).

Катта қизилоёқ – балиқчилар туркумига киради. Ернинг барча қитъаларида тарқалган... Катта қизилоёқ ҳар хил сув ҳашоратлари ва уларнинг личинкалари билан овқатланади... (ЗЭ, Қушлар, 100-101).

Оқбовур, булдуруқ – булдуруқлар туркумига киради ... Ўзбекистон шароитида қишлоқ учун кузда Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонга учиб кетади. Оқбовур тошлоқ ва қумоқ саҳро ва чўлларда, сув манбалари яқин бўлган ерларда яшайди (ЗЭ, Қушлар, 79).

Олақанот, оққанот, чағирқанот – ўрдақлар кенжа оиласининг шўнғувчилар уруғига киради. Европа ва Осиёда тарқалган ва шу қитъаларнинг жанубида ва



қисман Африкада қишлайди ... (3Э, Қушлар, 62).

Кўкбел, қизилбош – ўрдақлар кенжа оиласининг шўнғувчилар уруғига киради. Европа, Осиё ва Шимолий Америкада тарқалган... Ўзбекистонда бу ўрдақ баҳор ва кузда учиб кетаётганида кўп учрайди, қисман уя солади ва қишлаб ҳам қолади ... (3Э, Қушлар, 62).

Қорабовур, булдуруқ – булдуруқлар туркумига киради ... Сахро ва чўллар каби очик. Текис ерларда ва тоғ этакларида яшайди. Қорабовур сахро ва чўлларнинг сувсиз ва сувдан узоқ ерларида яшамайди... кечкурун ва тушда сув ичиш учун сув бўйларига учиб келади... Болаларига сувни жиғилдонида олиб келиб беради... (3Э, Қушлар, 80).

Узунқуйруқ – чумчуксимонлар туркумининг шақшақлар оиласига киради. Осиёнинг жанубий ўлкаларида тарқалган. Тоғ ва тоғ этакларидаги ўрмонларда (ёнғокзор), боғ ва дарахтзорларда яшайди ... Эркагининг иккита дум пати бўлади. Узунқуйруқ деб айтишнинг сабаби ҳам шу бўлса керак... (3Э, Қушлар, 60).

Қизилоёқ – балиқчилар туркумига киради. Ер шарида кенг тарқалган ... Қизилоёқ днгиз, дарё, кўл қирғоқларида яшайди... Уясини сув бўйларидаги майда тошлар ва кумликлардаги чуқурчаларда ясайди ... (3Э, Қушлар, 52).

Сув қизилқуйруқлари – чумчуксимонлар туркумининг шақшақсимонлар оиласига киради ... Тоғ ораларидаги сойларнинг шалола бўлиб оқадиган серқояли ерларда яшайди (3Э, Қушлар, 17).

Узун оёқлилар, лайлаксимонлар – кушлар синфининг бир туркуми; Бу туркумга кирувчи кушларнинг оёқлари, тумшук ва бўйинлари узун бўлади, бармоқлари орасида сузгич пардалари бўлмайди... Бу туркумга ҳар хил қарқаралар (оқ кўтон), лайлақлар, иблислар каби кушлар киради ... (3Э, Қушлар, 24).

Қизилқуйруқлар – чумчуксимонлар туркумининг шақшақлар оиласига киради... Ўзбекистонда оддий қизилқуйруқ

ва қора қизилқуйруқ деган турлари яшайди. Қизилқуйруқлар ҳашоратлар ва уларнинг личинкалари билан овқатланади, қишлоқ хўжалиги учун фойдали кушдир (3Э, Қушлар, 25).

Қизилқанот – чумчуксимонлар туркумига киради... Ўзбекистон тоғларининг ўрмонсиз тик жарлик ва қоялик очик ерларида ўтроқ яшайди... Қизилқанот ёриқ ва ковақлар ичида ётган ҳашоратлар, уларнинг личинка кўғирчоқлари, ўргумчак ва бошқа умуртқасиз билан овқатланади (3Э, Қушлар, 88-89).

Жунқанот – гавда тузилишида ҳашоратхўр, кўршапалак ва чаламаймунлар белгиси бор... Ҳозирги вақтда жунқанотни ўзига хос туркуми, оила ва уруғ қилиб ажратилган... Жунқанот гавдасининг узунлиги 40 см, думи 23 см, мўйнаси тўқмалла бўлиб, орқасидаги жуни қалин, олдинги оёғидаги камроқ, елка ва ён томонларида мутлоқ жуни бўлмайди... Дум ва оёқларининг ораси кенг ва қалин учиси териси билан қўшилган; бу тери хайвоннинг бир шохдан иккинчи шохга бир дарахтдан иккинчи дарахтга ўтишида ёки юқоидан пастга парвоз қилиб тушушида парашютга ўхшаб ёрдам беради, лекин у кўршапалакка ўхшаб қанот қоқиб учолмайди... У барг ва мевалар билан овқатланади (3Э, Сут эмизувчилар, 205-206).

Калтадум (бадбўй) – йирткичлар туркумининг бир тури. Сувсарлар оиласига киради. Суматра, Ява ва Барнео оролларида тарқалган. Бўйи паст, гавдасининг узунлиги 35 см, думи 2 см... У ўздан сассиқ елимга ўхшаш модда чиқаради. Бу модданинг ҳиди ҳатто бутун қишлоқни саситиб юборади. Гўшти овқатга ишлатилади... (3Э, Сут эмизувчилар, 33).

Узуноёқ – кемирувчилар туркумининг бир тури. Бу турнинг ёлғиз ўзи кемирувчилар туркумининг узунёқлар деб аталадиган махсус бир оиласини ташкил этади. Узуноёқнинг ташқи кўриниши ва орқа оёғининг узун



бўлиши ва саҳроларда яшайдиган кўшоёққа жуда ўхшайди, лекин унга караганда бир қанча катта бўлади. Гавдасининг узунлиги 60 см, думи бир оз узунроқ, оғирлиги 3 кг ... У орқа оёқлари ёрдамида худди кенгуру каби узок масофага (2-3 м, айрим ҳолларда ҳатто 6-10 м гача) сакраб юради... (ЗЭ, Сут эмизувчилар, 51-52).

Якка шох – китсимонлар туркумининг бир тури. Тишли китлар кенжа туркумининг дельфинсимонлар оиласига киради. Шимолий кутб атрофида тарқалган Арктика ҳайвонидир... Эркагининг жағидаги бир жуфт тишининг чап томонидагиси спираль каби буралиб, 2-3 м узунликда олдинга ўсиб чиққан бўлади. Шунинг учун ҳам уни яккашох деб айтилади... Бу ҳайвоннинг узунлиги 46 м, оғирлиги бир тонначадир. Унинг гўштини греландияликлар овқатга ишлатади, ёғини хомлигича ейдилар. Ошланган териси тери саноатида ишлатилади (ЗЭ, Сут эмизувчилар, 131).

Қорақуйруқ, жайрон – охулар (ғизоллар) уруғининг бир тури. Жуфттуёқлилар туркумининг қувушшоҳлилар оиласига киради. Осиё ва Закавказияда тарқалган ... Қорақуйруқ Қизилқум, Қорқум каби кенг саҳро ва чаласаҳроларда яшайди. Қадди-қомати келишган ҳайвон бўлиб, гавдасининг узунлиги 115 см, бўйи 70 см ва оғирлиги 30 кг ча бўлади. Думи бошқа охуларникига нисбатан узун ва учи қора, шунинг учун унга қорақуйруқ деб ном берилган... (ЗЭ, Сут эмизувчилар, 49).

Кўшоёқлар – кемирувчилар туркумининг бир оиласи. Бу оилага кирувчи ҳайвонлар чўл ва саҳроларда яшайди ва орқа оёқларининг ёрдами билан тез сакраб юришга лаёқатланган. Шунинг учун орқа оёқлари олдинги оёқларига нисбатан анча узун бўлади. Сакрашда таянч вазифасини бажарадиган думи ҳам гавдасига караганда узун бўлади. Думининг учида қора ва оқ жунли чўткаси бор... Қумда сакраб юрган вақтида қумга ботиб кетмаслиги учун орқа оёқларидаги

бармоқларининг атрофида қатор зич ўрнашган эластик қиллари бор. Бу қиллар панжа юзасини кенгайтириб, оёқларининг қумга ботишига йўл қўймайди... (ЗЭ, Сут эмизувчилар, 194).

Қорқулоқ – йирткичлар туркумининг мушуксимонлар оиласига киради. Осиё ва Африканинг жануб томонларида тарқалган. Туркменистон саҳроларида ва Орол денгизи атрофидаги тўқайларда баъзан учраб туради... Гавдасининг узунлиги 1 м, думи 25 см. Қулоғининг учида қора пуфакчаси бор, шунинг учун ҳам уни қорақулоқ деб атайдилар... Ҳиндистонда қорақулоқни кўлга ўргатиб, унинг ёрдами билан қуш, қуён ва кийик овлайдилар (ЗЭ, Сут эмизувчилар, 72).

Елкашох – елкашохлар оиласига мансуб балиқ. Атлантика океанининг шарқий қисмида, Ўрта ва Қора денгизда тарқалган. Бўйи 60 см ча, териси йирик суяк тангачалар билан қопланган. Елка суягининг биринчи шуъласи узайиб, йўғон тортган, кўтарилиб ва йиғилиб туради, шу сабабли ҳам унга елкашох деб ном берилган, бу шох муҳофаза хизматини ўтайди... (ЗЭ, Балиқлар..., 193).

Қизилқанот – кирписимонлар оиласига мансуб балиқ Европа, Кичик ва Ўрта Осиёнинг чучук сув ҳавзаларида тарқалган. Танаси 36 см ча, оғирлиги 1кг ча. Жуфт ва анал сузгич қанотлари қизил. Гавдаси – қумуш ёки тилла рангда. Ёз бошида учрайди. Ўсимлик ва умуртқасиз жониворлар, баъзан ёш балиқлар билан овқатланади. Хўжалик аҳамияти кам (ЎМЭ, 14,76).

Қийшиқоғиз – олабуғасимонлар туркумининг бир тури. Шимолий Америка қирғоқларида тарқалган, 150 м ча чуфурликда яшайди. Бўйи 90 см ча. Пастки жағи худди бульдог итникига ўхшайди... Қийшиқоғиз лойни кавлаб, мураккаб йўллар ясайди. Емиши майда умуртқасиз жониворлардан иборат (ЗЭ, Балиқлар..., 104-105).

Қийқдум – тиканбалиқлар туркумининг бир тури. Тинч ва Ҳинд



океанларининг тропик қисмида тарқалган. Тумшуғи узун найсимон, устки қатор ўрнашган суяк қалқонлар билан қопланган... Дум сузгичи пастга қайрилгани учун қийикдум деб аталади (ЗЭ, Балиқлар..., 105).

Қоракорин – карпсимонлар оиласининг бир тури. Шарқий Хитойдаги дарёларда ва Амур ҳавзасида тарқалган... Ўрта Осиёга 1960 йили оқ амур ва хумбош балиқ човоқлари билан аралашиб келиб қолган... Ички қорин пардаси қора бўлганидан қорни ҳам қора бўлиб кўринади, шу сабабли қоракорин деб аталади... Амур ва янцузи дарёлари ҳавзасида яшайдиган, бўйи 70 см ча, оғирлиги 3 кг ча келадиган *сарикчат* деган тури қоракоринга жуда ўхшайди, фақат ранги тиниқроқ (ЗЭ, Балиқлар..., 224).

Калтадум – тангачалилар туркумининг сцинқлар оиласига киради. Бу ажойиб калтакесак фақат Австралияда тарқалган. У денгиз қирғоқларидаги ўсимликлар билан қопланган уйма қумлар, қирларда яшайди. Бўйининг узунлиги 36 см ча бўлиб, унинг 6-7 см часи дум. Боши тўмтоқ пирамида шаклида бўлиб, унинг тиғиз ва ялпоқ танаси қисқа, йўғон бўйни орқали аниқ ажралиб туради. Думи жуда қисқа ва учи тўмтоқ. Гавдаси йўғон ва бўртма тангачалар билан қопланган... (ЗЭ, Амфибия ва рептилиялар, 79).

Каттаоғиз – мешоғизлар туркумининг бир тури, каттаоғизлар оиласига мансуб. Бу туркум балиқлари Тинч, Ҳинд ва Атлантика океанларида кенг тарқалган, чуқур сув остида яшайди. Бўйи 60 см ча. Биринчи марта Атлантика океанининг қирғоққа яқин ерида, 2500 метрча чуқурликдан тutilган... Катта оғиз жуда ажойиб тузилган, ...чунончи танаси илонникига ўхшайди, лекин оғзи жуда катта ... Ияги остида мешга ўхшаш катта халтаси бор, хипчиндек думи гавдасидан аниқ ажралиб туради. (ЗЭ, Балиқлар..., 48).

Кўкбўйин – карпсимонлар оиласининг бир тури, дарё ва кўлда яшайдиганчучук сув балиғи. Европа ва Сибирда тарқалган, Ўрта Осиёда Орол

денгизи, Сирдарё, Сарисув ва Чу дарёсида учрайди.

Кўзининг рангли пардаси кўк бўлади. Човоғининг танаси кумушранг, катталарининг орқаси қорамтир, ёнлари эса сарғиш тусда товланиб туради. Оқ чебаклар уруғининг энг йирик вакили – бўйи бир метргача боради, лекин бундай катталари кам... Ўрта Осиёда бўйи 35 сантиметрдан каттароғи учрамайди... (ЗЭ, Балиқлар..., 235).

Амур кўкбўйини – карпсимонлар оиласининг бир тури. Амур дарёси ҳавзасида, Шарқий Хитойда тарқалган. Ўрта Осиёга 1960 йилда оқ амур ва хумбош балиқ човоқлари билан аралашиб келиб қолган... (ЗЭ, Балиқлар..., 235).

Кўккўзлар – миктофнамолар туркумининг бир тури, кўккўзсимонлар оиласига мансуб. Бу оиланинг 20 тача тури бор, ҳаммаси ҳам денгизда 2000 м гача чуқурликда яшайдиган гермафродит балиқлардир. Кўк рангдаги катта-катта кўзлари ён томонга ва қисман тепага қараган... (ЗЭ, Балиқлар..., 79).

Кўпқанотлар – суякли балиқлар синфининг бир уруғи, кўпқанотсимонлар оиласига мансуб... Уларнинг орасида энг машҳури... Нил кўпқаноти ёки биширдир.

Бишир бошқа кўпқанотлардан орқа сузгичларининг кўплиги (14-18 та) ва остки жағининг узунроқ бўлиши билан фарқ қилади. Бўйи 70 см ча ... (ЗЭ, Балиқлар..., 130).

Сарикқанот – Олабуғаномалар туркумининг бир тури, шохлилар оиласига мансуб. Байкал кўлида тарқалган, 300 м ча чуқурликда гала бўлиб яшайди... Урчиш даврида эркагининг кўкрак, анал ва орқа сузгичлари рангини ўзгартириб, сап-сарик бўлиб қолади, шунинг учун бу балиққа сарикқанот деб ном берилган... (ЗЭ, Балиқлар ... 76).

Тепакўз – карпнамолар туркумининг бир тури, карпсимонлар оиласига мансуб. Амур, Янцузи ҳавзаларида, Корея ва Тайвань ороли дарёларида тарқалган, сувнинг устки қатламида яшайди. Бўйи бир метрча,



оғирлиги 9 килограммча... Кўзи ва оғзи тепага қараган, айниқса пастки жағи кескин тепага қараган. Танаси кумушранг, кулранг сузгичлари товланиб туради... (ЗЭ, Балиқлар..., 54).

Тепеоғиз – карпсимонлар оиласининг бир тури ... Сувнинг устки қатламида жуда катта гала бўлиб юрадиган балиқ, совуқ пайтда сув остига тушиб кетади.. Бўйи 8 см ча. Оғзи тепага қараганлиги учун тепеоғиз деб ном берилган... (ЗЭ, балиқлар..., 53).

Тикқанот – араваномлар туркумининг бир уруғи, тикқанотлилар оиласига мансуб. Бу уруғнинг жанубий-шарқий Осиёда яшайдиган учта тури бор. Тикқанотнинг анал сузгичлари узун бўлиб дум сузгичлари билан қўшилиб кетган. Елка сузгичи кичкина, камбар ва патга ўхшаб тикка чиқиб турганлигидан бу урукка тикқанотлар ёки тўғри қанотлар деб ном берилган... (ЗЭ, балиқлар ..., 157).

Узунтумшуклар – сельднамоларга анча яқин бўлган узунтумшукнамолар туркуининг бир уруғи, тумшукбурунсимонлар оиласига мансуб. Африканинг тропик дарёларида тарқалган. 51 тача тури бор, булардан 11 таси Нил дарёсида учрайди... Бўйи 120 см гача боради.. Филтумшук каби турлари кўплаб овланади. Гўшти мазали... (ЗЭ, Балиқлар..., 70).

Узунқанот – скорпеннамолар туркумининг бир тури, узунқанотсимонлар оиласига мансуб. Ўрта денгизда тарқалган. Бўйи 18 см ча. Суяк қалқон билан қопланган боши танасига нисбатан анча катта, қўшалок кўкрак сузгичи икки қисмдан иборат. Бошида алоҳида сузгич шуълалари бўлади (ЗЭ, Балиқлар ..., 70).

Учқанот – олабуғаномалар туркумининг учқанотлар оиласига мансуб. Ўрта ва Қора денгизда тарқалган, бўйи 70 сантиметрлик хашаки денгиз балиғи. Уч қисмдан иборат орқа сузгичининг учала ёки олдинги иккита қисми фақат тиканлардан иборат. Шунинг учун ҳам бу балиқка учқанот деб ном берилган...(ЗЭ, Балиқлар ..., 201-202).

Қизилкўз – карпсимонлар оиласининг бир тури. Чучук сувларда яшайдиган кўл-дарё балиғи... Бўйи 20 см ча бўлган кичик балиқ... Тагнгалари йирик, оғзи қийшиқ, устки лабичўзинчоқ. Кўзининг қовоқранг пардасида кичкина қизил доғи бор, шу сабабли балиқ қизилкўз деб аталади... (ЗЭ, Балиқлар..., 153-154).

Аччиқдона – анорнинг нордон-ширин навларидан бири. Тошкент, андижон ва Сурхондарё вилоятларида етиштирилади. Октябрда пишади. Шақли думалоқ (бир оз яссиланган), йирик (300-400 г) пўсти қалин, пишганда ташқи кўриниши қизил тусга кираджи. Дони қизил. Таркибида 15% гача қанд ва 2,5% кислота бор (БЭЛ, 31).

Бешбарг – раънодошларга мансуб ўтсимон ёки бутасимон ўсимликлар туркуми. Барглари панжасимон ва патсимон мураккаб ёки қирқма, гуллари сариқ, оқ, пушти ва тўққизил... Кўпчилик турларининг илдизпоясида ошловчи моддалар тўпланади. Айрим турлари доривордир... (БЭЛ, 155).

Қизилпойча – Чойўтдошлар ўсимликлар туркуми. Кўп йиллик, баъзан бир йиллик ўт, бута ёки чала буталардан иборат. Барглари қарама – қарши ёки доира бўлиб ўрнашади. Гуллари сариқ, рўвак ёки шода тўпгулларга йиғилган. Меваси кўсакча. 200 га яқин тури бор. Кўпроқ Ўрта Ер денгизи районларида учрайди... Айниқса қизилпойча тури кенг тарқалган . Европа ва Ғарбий Сибирдаги ўрмон ва ўтлоқларда, Ўрта Осиёдаги боғ ва тоғларда учрайди. Баргларида ошловчи моддалар ва С витамин бор. Медицинада ва ароқ-ликёр саноатида ишлатилади (БЭЛ, 108-109).

Ўсимлик номининг ўзи унинг пояси қизил эканлигига ишора бериб турибди. Энциклопедик тавсифда бунга эътибор берилмаган. Ўсимлик поясига берилган ном бутун ўсимлик номига айланган. Демак, уни метаномик номлаш маҳсулига киритишимиз мумкин.

Қоратомир – мураккабгулдошлар оиласига мансуб, қора илдизли кўп йиллик



ўсимлик. Икки йиллик ўсимлик сифатида махсус экилади. Биринчи йили серэт, узун илдизлари олиниб, овқатга ишлатилади, иккинчи йили уруғ беради... Қоратомир мазали бўлиши билан бирга, пархез сабзавот сифатида ҳам катта аҳамиятга эга, чунки унда организм учун керакли инулин, аспарагин ҳамда леулин каби моддалар бор. Унинг қора илдизи кулинарияда кўп ишлатилади... (ЎРЎИЛ, 293).

Кўринадики, сўз бирикмаси орқали номланган қўшма терминларнинг биринчи компоненти оқ, қора, кўк, қизил, узун, калта, аччиқ, ола, қийиқ, қийшиқ сўзлардан ифодаланиб, сифатловчи мавқеида турибди, иккинчи компонент эса канот, оёқ, бўйин, қуйруқ, дум, қулоқ, бел,

бош, оғиз, кўз, қорин, тумшук каби мавжудотларнинг аъзолари номидан ифодаланиб, сифатланмиш мавқеида ўринлашган. Бу бежиз эмас, чунки инсон борлиқ нарса- ходисаларини номлар экан, уларни биридан фарқлаб номлашни асосий мақсад қилиб олади: инсон мавжудотларни номлар экан, уларнинг вакили бўлган сўзларни хотирасида муҳрлаб олади ва зарурат туғилганда, шу сўзлар воситасида аниқ, тиниқ мулоқатга кирита олади. Бир қарашда бундай номлар мавжудотларнинг аъзоларини, бўлақларини номлагандай тасаввури беради, аслида эса улар бутунни англатади. Бўлақ орқали бутуннинг ифодаланиши эса метаномиянинг бир кўринишидир.

Адабиётлар

1. Ғулломов А. Ўзбек тили морфологиясига кириш. Ўзбекистон Республикаси ФА нашриёти. Т., 1953, 16 - бет.
2. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси. Балиқлар ва тубан хордалилар. Тошкент, Фан. 1979, - 276 бет.
3. Зоҳидов Т.З.. Зоология энциклопедияси. Амфибиялар ва репталиялар (Газандалар). Тошкент, Фан. 1969, - 226 бет.
4. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси. Сут эмизувчилар. Тошкент, Ўзфанакадашр. 1960, - 223 бет.
5. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси. Қушлар. Тошкент, Ўзфанакадашр. 1957, - 127 бет.

Mirсанов В. Metonymic complex terms formed by combination of words. The article analyses metonymic complex terms formed of adjectives and nouns designating parts of body of living beings.

Мирсанов В. Метаномические сложные термины, выраженные словосочетаниями. В этой статье рассматриваются сложные термины, образованные при помощи прилагательных и существительных, обозначающих части тела.



СТРУКТУРНО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ МОДЕЛИ БЕЗЛИЧНО-ИМЕННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ И.С.ТУРГЕНЕВА

Ким Светлана Федоровна,

старший преподаватель Самаркандского государственного университета

Ключевые слова: структура, семантика, именная конструкция, субъект, прямой объект, косвенный объект, дательный, творительный падеж субъекта, постпозиция, препозиция.

Как известно, безличные предложения – это особый тип односоставных предложений, характеризующийся следующими специфическими грамматическими свойствами: 1. в аспекте семантики – субъект действия не назван и даже не мыслится. Важно в таких предложениях само действие, а не тот, кто его совершает, хотя в некоторых случаях субъект действия назван во второстепенном члене предложения (далее – ВЧП); 2. в структурном аспекте – грамматическое подлежащее (И.п.) отсутствует, оно не названо и по семантике излишне. В связи с этим его подстановка (имя в И.п.) невозможна; грамматическая основа предложения представлена одним составом главных членов предложения в форме сказуемого, основными способами выражения которого являются: 1) глагол (личный или безличный, возвратный или невозвратный) 3-го лица единственного числа; 2) имя состояния (безлично-предикативное слово) [1] в сочетании с инфинитивом и без него; 3) модальное слово в сочетании с инфинитивом и без него.

В связи со структурной неоднородностью грамматической основы данных предложений выделяются следующие типы безличных предложения: 1. глагольные; 2. именные; 3. причастные [2].

Особый интерес, на наш взгляд, вызывают безличные именные предложения, выявленные в произведениях И.С.Тургенева [3].

Данный тип предложений отличается от других типов своеобразной семантикой (в них выражается состояние живых существ, природы, окружающей среды), неоднородностью морфологической природы грамматической основы предложения (состояние выражается посредством имени состояния на - О в сочетании с инфинитивом или без него).

Конструкция «имя состояния на - о + инфинитив» находится в центре внимания многих работ ученых-грамматистов [4], которые указывают на своеобразные синтаксические особенности имени состояния в сочетании с инфинитивом: при одних определенных условиях имя состояния квалифицируется как главный член односоставного безличного предложения (*Странно было видеть его могучую, широкоплечую фигуру, вечно согнутую над письменным столом.*), при других – как сказуемое двусоставного предложения (*Видеть его могучую, широкоплечую фигуру, вечно согнутую над письменным столом, было странно.*).

Двухсторонняя синтаксическая квалификация имени состояния на -О типа *приятно, жутко, тяжело, легко, стыдно, грешно* и др. обусловлена: 1. этимологией – большинство имен состояния образовано от кратких прилагательных среднего рода: *весело, грустно, печально, радостно, жутко* и др. Системные связи с категорией прилагательного имя состояния сохраняет и в современном русском языке [5]. Это проявляется, прежде всего, в его синтаксической семантике; 2. позицией



инфинитива в предложении по отношению к слову на -о: при постпозитивном инфинитиве в слове на -о, сочетающем два значения – значение признака, качества, оценки (первоначальное значение прилагательного) и значение состояния (новое значение), - значение состояния и слово на -о (имя состояния в данном случае) в сочетании с инфинитивом следует квалифицировать как главный член односоставного безличного именного предложения; при препозитивном инфинитиве в слове на -о усиливается значение признака, качества, оценки предмета высказывания, названного в подлежащем-инфинитиве, - и в связи с этим слово на -о (краткое прилагательное среднего рода) выступает в таком положении в качестве именной части сказуемого, а предложение следует квалифицировать как двусоставное.

В составе безличных именных предложений субъект действия может быть указан в дополнении (в Д., Т., Р.п.), который в грамматической литературе определяется как дательный, творительный, родительный падеж субъекта: 1. *Мне (S₃) об этом стыдно говорить*; 2. *...вам (S₃) нельзя было избежать этого поединка*; 3. *... человеку (S₃) не так легко сыскать ее, эту подпору*; 4. *... с вами мне (S₃) невозможно жить «Дворянское гнездо»).*

По семантике данные предложения соотносятся с двусоставными, являясь, таким образом, синтаксическими синонимами. Ср.: 1. = *Я об этом стыжусь говорить*; 2. = *вы не должны были избежать этого поединка*; 3. = *Человек испытывает трудности в поиске подруги*; 4. = *с вами я не могу жить*.

В произведениях И.С.Тургенева именные безличные предложения среди других типов безличных предложений занимают по частотности употребления (415 лингв. ед.) первое место. Грамматическая основа в них распространяется ВЧП с семантикой 1) времени; 2) образа действия; 3) меры и

степени; 4) объекта; 5) места, являющимися факультативными распространителями (ФР) грамматической основы, ВЧП же с субъектной семантикой – структурно обязательные распространители (ОР): в них назван субъект (лицо), испытывающий указанное в грамматической основе состояние. Семантика исследуемых предложений самая разнообразная: состояние 1) человека; 2) окружающей среды; 3) природы.

Трехсторонний анализ безличных именных предложений с семантикой «состояние человека» (структурный, семантический, синтаксический), выявленных в произведениях И.С.Тургенева, позволил установить следующие структурные семантико-синтаксические модели [6]:

Модель I. *Имя состояния + наречие (меры и степени): Да, очень весело здесь теперь...; А потому..., что уже слишком невыносимо, нестерпимо душно в этом свете;... в комнатах Калитиных очень людно и шумно; ...теперь у вас очень хорошо* здесь и др.

Модель II. *Имя состояния + (гл.-связка) + инф. + имя (пр. объект): Странно было видеть его могучую, широкоплечую фигуру, вечно согнутую над письменным столом; ... не так-то легко было поправить супружеские отношения...* и др.

Модель III. *Имя (дат. субъекта) + (гл.-связка) + имя состояния : Куцым плохо: им ничего не удастся...; Лаврецкий и Лиза посмотрели друг на друга, и обоим стало жутко; Ему не было грустно, он не волновался; Базарову стало досадно...;... ему и жутко сделалось, и как-то стыдно; Всем было неловко и грустно...* и др.

Модель IV. *Имя (дат. субъекта) + (гл.-связка) + имя состояния + имя (пр. объект): Мне особенно жалко было твою мать;...он так глядел на нее, что ей было и стыдно, и жалко его; Мне невесело было унести с собою мысль, что*



вы вспоминаете обо мне с отвращением и др.

Модель V. Имя (дат.субъекта) + (гл.-связка) + имя состояния + имя (косв.объект): **Ей самой стало страшно всего того, что она почувствовала в себе; Узнал ли он его, стыдно ли ему стало чужого человека...? Тебе, должно быть, скучно со мною...? Ему совестно стало перед доброю, смешною, благородною старушкой; Иному хорошо от этого, а иному дурно** и др.

Модель VI. Имя состояния + инф. + имя (косв.объект): ... **легко жить без истины...; ...Знаете, тяжело даже вспоминать об этом...; ... приятно говорить с этим чужим, с незнакомцем; ... приятно это слышать от вас; ... стыдно говорить об этом** и др.

Модель VII. Имя (дат.субъекта) + модальное слово + (гл.-связка) + инф. + имя (пр.объект): ...**мне нужно знать ваш адрес; ...мне нужно сказать вам одно слово; ... человеку невозможно сыскать ее, эту подпору ; ... мне пора (=надо) пить мой кофе** и др.

Модель VIII. Модальное слово + (гл.-связка) + инф + имя (пр.объект): **Надо бы так устроить жизнь, чтобы каждое мгновение в ней было значительно...; ...это милое существо: ee надо только развить немножко, непременно...; Нельзя было разобрать ничего...; А правду нельзя не признать;**

Нужно разливать чай; Можно дать ему сумму денег; Надо переделать все сделанное и др.

Модель IX. Модальное слово + инф. + имя (косв.объект): **Пора (= надо) приниматься за дело, т.е. за уроки...; Надобно подумать об устройстве имения...; Нельзя хотеть этого...; Нельзя спорить об этом; Надо по-настоящему платить** врачам и др.

